

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

«АУДИТ» КАФЕДРАСИ

**«АУДИТ» ФАНИДАН  
МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

ТОШКЕНТ- 2012

**Бакалавриат йўналишлари талабалари учун «Аудит» фанидан масалалар тўплами. Файзиев Ш.Н., Авлоқулов А.З., Астанақулов О. -Т.: ТМИ, 2012. 86 бет.**

Ушбу қўлланмага институтда тайёрланадиган барча бакалавриат йўналишларида «Аудит» кафедраси томонидан ўқитиладиган «Аудит» фанидан масалалар, мунозара учун саволлар ва атамалар тўпламлари киритилган. Тўплагга киритилган масалалар талабаларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Мазкур масалалар тўплами «Аудит» кафедрасида профессор-ўқитувчиларининг йиғилишида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2012 йил «\_\_» \_\_\_\_\_, -сонли баённома).

**Кафедра мудир:**

**доц. Ш.Файзиев**

Мазкур масалалар тўплами Тошкент Молия Институт Илмий-услугий Кенгашида муҳокама этилган ҳамда нашрга тавсия қилинган (2012 йил «\_\_» \_\_\_\_\_, -сонли баённома)

**Кенгаш раиси:**

**А.Каримов**

**Тақризчилар:**

и.ф.н., доц. Машарипов О.  
и.ф.н., доц. Азларов Д.

## Мундарижа

Кириш	4
1. Аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари	5
2. Аудиторлик фаолиятининг предмети ва методи	7
3. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари	8
4. Аудиторлик текширувининг турлари ва шакллари	9
5. Аудиторлик касбига малакавий ва ахлоқий талаблар	12
6. Аудитда жиддийлик тушунчаси ва аудиторлик таваккалчилиги	15
7. Аудиторлик текширишни режалаштириш	17
8. Аудиторлик текшириш вақтида бухгалтерия ҳисоби тизимини ва ички назоратини ўрганиш ҳамда баҳолаш	21
9. Аудиторлик далиллар	25
10. Эксперт ишларидан ва бошқа аудиторлик ташкилоти маълумотларидан фойдаланиш	28
11. Аудиторлик танлаш	29
12. Аудиторлик текширувининг якуний босқичи	30
13. Асосий воситалар аудити	33
14. Номоддий активлар аудити	41
15. Молиявий қўйилмалар (инвестициялар) аудити	47
16. Товар-моддий захиралар аудити	54
17. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг аудити	60
18. Пул маблағлари аудити	63
19. Ҳисоб-китоблар аудити	68
20. Корхона хусусий капитали аудити	73
21. Молиявий натижалар аудити	76

## КИРИШ

«Аудит» фанидан машғулотлар тўплами намунавий дастур асосида бакалаврият йўналишининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит, молия, банк иши, солиқлар ва солиққа тортиш ва бошқа йўналишлари учун мўлжалланган. Мазкур машғулотлар тўплами бухгалтерия ҳисобининг 21-сон миллий стандарти (БҲМС)га биноан янги счётлар режаси ва аудиторлик фаолиятнинг миллий стандартлари (АФМС)га асосланиб тузилган.

Тўплам йигирма учта мавзудан иборат бўлган амалий машғулотларни ўз ичига қамраб олиб, ҳар бир мавзу учун турли ҳолатларга оид масалалар ва назорат саволларидан иборатдир. Бу ўз навбатида дарсларни семинар ва амалий машғулот сифатида ўтишга имконият яратади.

Машғулотлар тўпламининг мавзулари аудитни ташкил этиш жараёни, аудиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аудиторнинг ахлоқий қоида меъёри ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботини ҳаққонийлигини аниқлаш мақсадида ҳисоб ишларининг барча бўлимларини текшириш масалаларини ўз ичига олган. Аудиторлик текширишнинг барча йўналишлари бўйича мақсади ва вазифалари аниқланган. Ҳар бир бўлимни бажарилиши бўйича топшириқлар ва кўрсатмалар берилган. Буларни ўрганилиши ўз навбатида аудиторлик жараёнининг кетма-кетликда бажариладиган ишларини, яъни уни режалаштиришдан токи аудиторлик ҳисобот тузиш ва аудиторлик хулосани расмийлаштиришгача бўлган аудиторлик амалларини бажаришга ёрдам беради. Бундан ташқари, аудиторнинг текширув ўтказиш техникаси ва усули бўйича олган билимларини янада кенгайтиради ва чуқурлаштиради.

Бу тўплам орқали талабалар ўз-ўзини мустақил назорат қилиши ва билимларини жорий назоратдан ўтказишда фойдаланилишлари мумкин. Шунингдек мазкур машғулотлар тўпламида корхонанинг молиявий ҳисоботи, аудиторнинг ҳисоботи ва хулосасидан намуналар ва тегишли иловалар келтирилган. Бу ўз навбатида талабаларга мустақил равишда аудиторлик ҳисоботи ва хулосани тузишга амалий ёрдам кўрсатади ва билимларни мустаҳкамлайди.

## **1-МАВЗУ: АУДИТНИНГ МОҲИЯТИ, УНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

**Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг:** Аудит, тадбиркорлик фаолияти, мустақил назорат, бухгалтерия ҳисоботи, хўжалик юритувчи субъект, молиявий мажбурият ва молиявий талаблар, аудиторлик хизмати, бухгалтерия ҳисоботини тузиш бўйича тамойиллар, тафтиш, ихтиёрий ва мажбурий аудит, ташқи аудит, ички аудит, аудиторлик хизматлари бозори.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Аудит деганда нимани тушунасиз?
2. Аудит дастлаб қачон ва қаерда пайдо бўлган? Ўзбекистонда қачондан бошлаб фаолият юритилмоқда, бунга сабаб нима бўлган?
3. Аудитнинг аҳамияти нимада?
4. Аудитнинг олдига қандай мақсад ва вазифалар қўйилган?
5. Аудит нечта шакл ва турга бўлинади?
6. Аудитнинг тафтишдан фарқи нимада?
7. Аудитнинг иқтисодий таҳлил фанидан қандай фарқли ва унга ўхшаш томонлари мавжуд?
8. Агар давлат солиқ инспекцияси мавжуд бўлса, аудит керакми.
9. Ички аудит бўлимини ишини самарали деб ҳисоблаш мумкинми, агар у бўлим бош бухгалтерга бўйсинса?
10. Агар аудит назоратни самарали шакли бўлса, барча корхоналарда уни ўтказиш мажбуриятини олиши лозимми?
11. Нима сабабдан аудиторлик ташкилоти очик акционерлик жамияти сифатида ташкил этилиши мумкин эмас?
12. Агар аудиторлик фаолияти бекор қилинса мамлакатда нима содир бўлади?
13. Ички аудит хизмати самарали ишлаётган бўлса, очик акционерлик жамиятларида аудиторлик текширувларини ўтказиш лозимми?
14. Қайси нуқтаи назар акционер учун тўғрироқ: назорат шаклини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эгаллиги, ёки бу ҳуқуқдан махрумлигимми.
15. Аудит назарияси аудиторлик текшируви ўтказишга тайёрланишда қандай таъсир кўрсатади?

**1-Масала.** «А» хусусий фирмаси 2010 йилдан бошлаб акциядорлик жамияти бўлиб қайта рўйхатдан ўтди. 2010 йилда жамиятнинг бажарилган ишлари ҳажми 25000000 сўмни йиллик иш хақи фонди 2,5 млн сўмни ва жами бюджетга тўловлари 3 млн 200 минг сўмни ташкил этди.

**Топшириқ:** 2010 йил учун йиллик ҳисобот аудиторлик текширувидан ўтказилиши шартми?

**2-Масала.** «XXX» қўшма корхонаси 2010 йилнинг октябрь ойида «Интер-аудит» аудиторлик фирмасига аналитик ҳисобни тиклаб бериш юзасидан мурожаат қилди. Шартнома асосида хизмат кўрсатилиб, пул тўланди. 2008 йилнинг март ойига келиб «XXX» қўшма корхонаси худди шу аудиторлик фирмасига 2010 йил учун йиллик ҳисоботни тасдиқлаб бериш юзасидан қайта мурожаат қилди.

**Топшириқ:** Аудиторлик фирмаси ушбу таклифни қабул қила оладими?

**3-Масала.** Аудиторлик ташкилоти «А» ва «Б» фирмаларидан аудиторлик текширувини ўтказиб бериш юзасидан таклиф олди.

«А» фирмаси беш йилдан бери фаолият юритиб келаётган бўлиб, мажбурий аудиторлик текширувига тортилмайди. Солиқ инспекцияси томонидан ўтказилган хужжатли текширув вақтида «А» фирмасига катта миқдорда жарима санкцияси қўйилган. Агарда фирма ушбу жаримани тўласа, унинг молиявий барқарорлиги йўқолади. Шу сабабли фирма аудиторлик ташкилотига Ушбу молиявий жаримани камайтириб бериш учун текширув ўтказиб бериш таклифи билан чиқди ва аудиторлик ташкилотига ушбу хизмат учун бир миллион сўм тўлашини маълум қилди.

«Б» фирмаси мажбурий аудиторлик текширувига тортилувчи ташкилот ҳисобланади. Фаолиятининг учинчи йилида фирма аудиторлик ташкилотини ўзгартириб, юқоридаги аудиторлик ташкилотига мурожаат қилди. «Б» фирмаси аудиторлик текшируви учун саккиз юз минг сўм тўлаб беришини маълум қилди.

Аудиторлик ташкилотида ходимлар сони чекланган бўлиб, бир вақтнинг ўзида иккала таклифни қабул қила олмайди. Иккала таклифни қабул қилиши учун четдан ходимлар жалб қилиши керак бўлади.

**Топшириқ:** Аудиторлик ташкилоти иккала таклифни қабул қила оладими? Агар битта бўлса қайси таклифни қабул қилиши керак?

## 2-МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ

**Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг:** Аудитнинг объекти ва субъекти, аудитнинг предмети, аудиторлик текширувининг усуллари, хўжалик фаолиятининг таҳлили, инвентаризация, хужжатли текшириш, таҳлилий амаллар, кузатиш, сўровнома ўтказиш, калькуляция, баҳолаш, таққослаш, сканерлаш, танлаш, хўжалик шартномалари.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Аудиторлик фаолиятининг предмети деганда нимани тушунасиз?
2. Аудитда қандай текширув методларидан фойдаланилади?
3. Текширувда исбот ва далиллар олишнинг неча хил усулларини биласиз, уларни сананг?
4. Аудиторлик фаолиятининг асосий принциплари нималар?
5. Аудит молиявий назоратнинг бошқа шаклларида қандай фарқ қилади?
6. Аудитнинг объекти нима, субъектлари кимлар?
7. Қандай аудит мажбурий аудит ҳисобланади?
8. Қандай аудит ташаббусли аудит ҳисобланади?
9. Ички аудит нима?
10. Ташқи аудит нима?
11. Аудиторлик фаолияти объектлари классификациялари?

**1-Масала.** Мажбурий аудиторлик текширувидан ўтадиган акциядорлик жамияти аудиторлик ташкилотига ушбу йилда ўтказиладиган текширувнинг объекти қилиб, улар учун янги соҳа бўлган экспорт-импорт операцияларини олишни таклиф қилди.

**Топшириқ:** Мажбурий аудиторлик текшируви бўйича шартнома объекти бўлиб фақатгина экспорт-импорт операциялари бўлиши мумкинми?

**2-Масала.** Мажбурий аудиторлик текшируви вақтида, 2008 йил март ойида, асосий воситалар инвентаризацияси ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу март ойида ўтказилган инвентаризация натижаси билан 2008 йил 1 январ ҳолатига бўлган асосий воситалар мавжудлиги ҳақида хулоса бериб бўладими?

**Топшириқ:** Ушбу ҳолатда аудитор яна қандай аудит усулларидан фойдаланиши лозим?

### **3-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**Қуйидаги атамаларга изох беринг:** Аудиторлик фаолиятининг меъёрий ҳуқуқий асослари, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш, малака сертификати, аудиторларни аттестациядан ўтказиш, аудит стандартлари, ички стандартлари, аудитор этикаси, аудитор ва аудиторлик ташкилотларининг мустақиллиги, аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги.

#### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий тизими ва унинг қандай элементларини биласиз?
2. Аудиторлик фаолиятнинг ҳуқуқий асослари қандай меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади?
3. Ўзбекистонда қандай аудиторлик стандартлари мавжуд?
4. Аудитор стандартлари қандай классификацияланади?
5. Аудитор тушунчасини изохлаб беринг?
6. Аудит харажатлари амалдаги Қонунларга мувофиқ қайси манбалар ҳисобига қопланади?
7. Аудит ўтказишга қайси мутахассис аудитор бўлишга ҳуқуқли бўлади?
8. Аудиторлик фаолияти қандай орган томонидан текширилади?
9. Аудиторлик Палатасининг функциялари нима?
10. Аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун аттестация қилиш қандай амалга оширилади?
11. Аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия (малакавий сертификат) қайси орган томонидан берилади?
12. Аудиторлик фирмаларининг лицензиялари ёки аудиторнинг малакавий сертификатлари қандай ҳолатларда ким томонидан бекор қилиниши мумкин?
13. Аудиторлик ташкилоти фаолиятини тугатиш ёки тўхтатиш тўғрисида даъво билан хўжалик судига ким мурожаат қилиш ҳуқуқига эга?
14. Лицензиясиз аудиторлик фаолиятини амалга оширганлиги учун унга қарши қандай тартибда санкция қўлланилиши мумкин?

**1-Масала.** Бир неча ҳафта мобайнида тадбиркор ХХХ ва аудитор вилоятлар бўйлаб саёҳат қилмоқда. Тадбиркор ХХХ саёҳати давомида турли хил корхоналарда ҳисса кўшиш имкониятини қидирмоқда. Аудитор тадбиркорга капитал қўйиш борасида маслаҳатлар бериши ҳамда тадбиркор билан шерикчилик асосида ташкил қилинган корхонанинг йиллик ҳисоботини текширувдан ўтказиши зарур.

**Топшириқ:** 1.Йиллик ҳисоботни текшираётганда аудиторларнинг мустақиллик тамойилидан келиб чиққан ҳолда аудиторга ҳам маслаҳатчи ҳам аудитор деб баҳо бериш мумкинми? Ҳолатларни таҳлил қилинг.



**2-Масала.** «XXX » фирмаси 2008 йилнинг март ойида ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш мақсадида кредит олиш учун банкка мурожаат қилди. Банк фирмадан 2008 йил йиллик ҳисоботини ишончилигини тасдиқлаб берадиган аудиторлик хулосасини сўради. «XXX» фирмаси мажбурий аудиторлик текширувига тортиладиган корхоналар туркумига кирмаганлиги сабабли аудиторлик текширувини ўтказмаган эди. Лекин 2008 йилнинг ноябрь ойида солиқ инспекцияси томонидан ҳужжатли текширув ўтказилган бўлиб, фирма банкга ушбу текширув далолатномасини тақдим этди.

**Топшириқ:** Банк ушбу текширув далолатномасини аудиторлик хулосаси сифатида қабул қилишга ҳақлими?

**3-Масала.** Аудиторлик фирмасида мижоз корхонанинг қуйидаги бухгалтерлик, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳужжатлари мавжуд:

Бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, пул маблағларининг харакати ва хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботлар, балансга тушунтириш хати, бизнес режа, буйруқ ва хўжалик шартномалари, корхонанинг штат жадвали, ҳужжат айланиш графиги, ўтган йилги аудиторлик текшируви хулосаси.

**Аниқланг:** 1. Аудитор режалаштириш жараёнида мижоз ҳақидаги яна қайси ҳужжатларни тўплаш керак ва текшириш ўтказишнинг қайси усулларидадан фойдаланишни режалаштиради.

## 4-МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

**Қуйидаги атамаларга изох беринг:** Фаолиятнинг ташкилий асослари, шартнома тузиш, мижоз фаолияти билан танишиш, розилик ва мажбурият хатини олиш, аудиторлик фаолиятига хос профессионал хизматлар, аудит масштабини белгилаш, текширувга қўйилган талаблар.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Аудиторлик текшириш ўтказишнинг шакллари ва усуллари ким аниқлайди?
2. Аудитор бошқа аудиторлар ёки экспертларнинг материалларидан фойдаланиш мумкинми, нима учун?
3. Аудиторлик ташкилоти аудиторлик текшириш ўтказилган субъектнинг маълумотларини унинг розилигисиз ошкор қилишга ҳуқуқи борми?
4. Аудиторлик ташкилоти қуйидаги фаолиятлар билан шуғулланиш мумкинми?
  - Ишлаб чиқариш фаолияти?
  - Савдо фаолияти?
  - Тадбиркорлик фаолияти?
  - Воситачилик фаолияти?
5. Қандай турлаги хизматлар аудитга тегишли хизматлар ҳисобланади?
6. Қайси ҳолатларда назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббусига кўра аудит ўтказилади?.
7. Операцион аудит нима?
8. Мувофиқлик аудити нима?
9. Молиявий ҳисобот аудити нима?
10. Ички ва ташқи аудит нима ҳамда улар ўртасидаги ўзаро қандай фарқли ва ўхшаш жиҳатлар мавжуд?
11. Аудиторлик ташкилотларининг қандай профессионал хизматлари мавжуд?

### 1-амалий машғулот.

**1-Масала.** Аудитор буюртмачиларидан бирининг ҳали эълон қилинмаган балансини аудиторлик фирманинг бошлиғи бошқа ходимлари билан муҳокама қилмоқда.

**Аниқланг:** Бу ҳолатда сир сақлаш мажбурияти бузилганми? Ҳолатларни таҳлил қилинг.

**2-Масала.** Йиллик ҳисоботни текшириш жараёнида аудитор буюртмачи томонидан рақобатбардош корхона сотиб олинаётганлигини аниқлади. Агар бу маълумотлар маълум бўлса, рақобатбардош корхона акциялари курси ошади. Аудитор воситачи томонидан корхона

акцияларини сотиб олишга қарши эмас ва шу тарзда у кўпроқ фойда олиш имкониятини кидирмоқда.

**Аниқланг:** Бундай ҳолатда у ўзининг профессионаллик мажбуриятини бузмаяптими? Ҳолатларни таҳлил қилинг.

**3-Масала.** Аудит ўтказиш жараёнида бош аудитор оддий аудиторга аудит ўтказилаётган корхонанинг солиқлар бўйича ҳисоб-китобларини Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилигига асосан текшириб чиқиш юзасидан топшириқ берди. Текшириш тугагач, оддий аудитор солиқлар бўйича ҳисоб-китобларда ҳеч қандай хато аниқланмаганлигини маълум қилди. Аудит жараёнида бир ҳафтадан сўнг ҳисобот тайёрланди. Икки ой ўтгандан сўнг солиқ инспекцияси томонидан текшириш ўтказилиб, солиқ ҳисоб-китоблари бўйича бир қатор камчиликларни аниқлади. Шунга кўра, корхона, ҳисобланган солиқларни ва жарималарни тўлаши зарур бўлди. Мижоз қонуний асосда аудиторлик ташкилотига нима сабабдан бу хато-камчиликлар текшириш пайтида аниқланмаганлиги ҳақида мурожаат қилди.

**Аниқланг:** Бу ҳолатга қандай баҳо берасиз? Ҳолатларни таҳлил қилинг.

**4-Масала.** Суғурта компанияси аудиторлик фирмасига аудит ўтказишни таклиф қилди. Аммо аудиторлар орасида суғурта компанияси фаолиятини яхши биладиган мутахассис йўқ.

**Аниқланг:** Бу ҳолатда аудиторлик фирмаси таклифни қабул қиладими? Ҳолатларни таҳлил қилинг.

**5-Масала.** Қандолатчилик фабрикаси бошқа бир аудиторлик фирмаси билан шартномани бузиб, сизнинг аудиторлик фирмангиз билан шартнома тузмоқчи.

**Аниқланг:** Бу ҳолатда сиз нима қиласиз? Ҳолатларни таҳлил қилинг.

**6-Масала.** Сиз фаолият юритаётган аудиторлик фирмасига телевизор ишлаб чиқараётган корхонадан аудит ўтказиш юзасидан таклиф тушди. Сизнинг турмуш ўртоғингиз бу компанияда товарлар сотиш бўйича менеджер лавозимида фаолият кўрсатади.

**Аниқланг:** Сизнинг фирмангиз бу таклифни қабул қила оладими? Ҳолатларни таҳлил қилинг.

**7-Масала.** Сизнинг аудиторлик фирмангиз мижозга молиявий ҳисобот тайёрлади. Уч ҳафтадан сўнг мижоз телефон орқали қайсидир ҳужжатда хатога йўл қўйилганлигини эълон қилди.

**Аниқланг:** Хатони юзага келмаслиги борасида қандай сифат назорати тадбири амалга оширилиши лозим. Ҳолатларни таҳлил қилинг.

## 5-МАВЗУ: АУДИТОРЛИК КАСБИГА МАЛАКАВИЙ ВА АХЛОҚИЙ ТАЛАБЛАР

**Қуйидаги атамаларга изох беринг:** Малакавий талаблар, ахлоқий талаблар, аудитор малакасини ошириш шартлари, касб этикаси, аудитор компетентлиги, махфийлик, мустақиллик, виждонлилик, адолатлилик, лицензия талаблари, лицензияни бекор қилиш ва тўхтатиш, аудитор иш сифатини назорат қилиш.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Буюртмачи мустақил равишда аудиторлик ташкилотини (аудиторни) танлаш ҳуқуқига эгами?
2. Қандай ҳолатларда аудит ўтказиш учун шартномани тузиш мумкин эмас?
3. Аудиторнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қайси меъёрий ҳужжатларда кайд этилган?
4. Қайси ҳужжатда буюртмачининг ҳуқуқи ва мажбуриятлари аниқланади?
5. Буюртмачининг жавобгарлигига нималар киради?
6. Аудиторлик ташкилотининг (аудиторларнинг) жавобгарлигига нималар киради?
7. Аудиторлик малака сертификатини олиш учун қандай талаблар қўйилган?
8. Аудиторлик фаолиятини юритиш учун лицензияни олишда Молия вазирлигига қандай ҳужжатлар тақдим этилиши шарт?
9. Аудиторлар қандай ахлоқ меъёрларига амал қилишлари лозим?
10. Аудитор бошқа аудитор ёки эксперт маълумотларидан фойдаланиши мумкинми, уларни ўзаро муносабатлари қандай бўлиши лозим?
11. Аудитор текширилаётган корхонани розилигисиз у ҳақидаги маълумотни ошкор қилиш мумкинми?
12. Аудиторлар палатаси функциялари нималардан иборат?
13. Аудиторлик фаолиятини ким назорат қилади?
14. Аудиторлик касбига қандай малакавий талаблар қўйилган?
15. Аудиторнинг Ахлоқ кодекси тўғрисида нималар биласиз?

**1-Масала.** «ХХХ» ташкилоти аудиторлик ташкилотига бухгалтерия ҳисобини компьютерлаштириш юзасидан мурожаат қилди. Ушбу аудиторлик ташкилоти «ХХХ» ташкилотини бир неча йилдан бери текширувдан ўтказди ва ташкилотнинг молиявий ва бошқарув ҳисоби муаммоларини ва хусусиятларини яхши билади.

**Топшириқ:** Агар аудиторлик ташкилоти корхонага компьютерлаштириш юзасидан хизмат кўрсатса, аудиторлик текшируви ўтказётган вақтда аудиторнинг мустақиллигига таъсир кўрсатадими?

**2-Масала.** «XXX» фирмасининг таъсисчиси аудиторлик ташкилотига «XXX» фирмаси ижрочи директорини ишдан бўшатиш мақсадида аудиторлик текшируви ўтказишга таклиф қилди. Текширувнинг тўлов ҳақи қўйилган мақсадга эришишдан келиб чиқиб белгиланади.

**Топширик:** Аудиторнинг тутадиган йўлини аниқланг?

**3-масала.** Сиз «XXX» фирмасини текшираётган аудиторсиз. Сизнинг аудиторлик фирмангизга офис учун ижарага бино керак. «XXX» фирмаси Сизга ўзининг мулки ҳисобланган бинони ижарага олишни таклиф қилди.

**Топширик:** Бу таклиф қабул қилинса аудиторлик фирмасининг мустақиллиги йўқоладими? Ҳолатларни таҳлил қилинг.

**4-масала.** "XXX" аудиторлик ташкилоти 3 йил олдин ташкил этилган. У ҳозирги кунга қадар катталашиб кетган ва ўз филиалларига эга. Фирма аудиторлик хизмати кўрсатади ва қўшимча равишда Солиқ Қонунчилиги масалалари бўйича маслаҳатлар беради.

**Топширик:** Бу маслаҳатлар аудиторлик хизматига қандай таъсир кўрсатади.

**5-масала.** "XXX" аудиторлик фирмасининг аудитори Ахмедов А.И. ўзининг малакавий хизмати тўғрисида матбуотда ва радиода реклама қилиб, маҳоратлилик даражаси ва бошқа аудиторларга нисбатан юқори малакали эканлигини эълон қилди. Шунинг билан биргаликда хизмати учун тўланадиган суммани ҳам ошқор қилди.

**Аниқланг:** Аудитор Ахмедов А.И.га касбий этик меъёрларига риоя қилган ҳолда қандай бўлиши ҳақида маслаҳат берган бўлар эдингиз?

**6-масала.** «XXX» аудиторлик фирмасининг 3 кишидан иборат аудиторлари «YUY» суғурта компаниясини аудитдан ўтказмоқда. Аудиторлардан бири корхона бош директори муовинига яқин қариндошчилиги борлиги аниқланди.

**Топширик:** Бундай ҳолда аудитнинг этик меъёрларига зид бўладими?

**7-масала.** «XXX» корхонасида аудит ўтказилди. Аудиторлар томонидан камчиликлар аниқланмади. Корхона раҳбарлари томонидан аудиторларга қимматбаҳо совғалар берилди.

**Топширик:** Аудиторлар бунга қандай қарашлари лозим?

**8-масала.** «XXX» хусусий корхонасида аудит қилиш натижасида солиқлардан кам тўланганлиги маълум бўлди. Уни яшириш мақсадида корхона директори ҳар бир аудиторга дам олиш учун йўлланмалар таклиф қилди ва улардан ижобий аудиторлик хулоса беришларини илтимос қилди.

**Топширик:** Бундай ҳолатда аудиторлар қандай ҳаракат қилишлари лозим?

**9-масала.** Тикув-ишлаб чиқариш фирмаси аудиторлик фирмаси билан тузилган шартномада кўрсатилган талабларни бажармаганлиги сабабли, тикув-ишлаб чиқариш фирмаси ва аудиторлик фирмаси ўртасида ўзаро низо келиб чиқди. Шу сабабли, тикув-ишлаб чиқариш фирмаси аудиторлик фирмаси билан амалдаги шартномани бузиб, сизнинг аудиторлик фирмангиз билан шартнома тузмоқчи.

**Топшириқ:** Бу ҳолатда сизнинг аудиторлик фирмангиз қандай йўл тутиши лозим?

## **6-МАВЗУ: АУДИТДА МУҲИМЛИК ТУШУНЧАСИ ВА АУДИТОРЛИК ТАВАККАЛЧИЛИГИ**

**Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг:** Молиявий ҳисоботнинг асосий элементлари, муҳимлик тушунчаси ва уни аниқлаш, уни даражалари, текширувда муҳимлик даражасидан фойдаланиш, аудиторлик таваккалчилиги, унга таъсир этувчи омиллар, рискларнинг мақбул тўплами ва унинг элементлари.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Аудиторлик таваккалчилиги нинг корхона фаолиятига таъсири қандай?
2. Аудитда муҳимлик деганда нимани тушунасиз?
3. Аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузишда нимага аудит rischi ва муҳимлик даражалари миқдори кўрсатилиши талаб этилади?
4. Корхонанинг фаолиятини тавсифлаш ва ички назорат тизимига баҳо беришда қайси аудит riskидан фойдаланилади?
5. Аудиторда таваккалчилиги ва муҳимлик даражасини аниқлашга мисол келтиринг?
6. Аудитда муҳимлик ва riskилик даражалари қандай боғланган?
7. Бухгалтерия ҳисобот моддаларида нима сабабдан рисклар вужудга келади?
8. Жиддийлик даражасини аудитда қўллаш тартиби қандай амалга оширилади?
9. Аудиторлик riskи тушунчаси қандай таърифланади?
10. Аудиторлик рискларнинг мақбул тўплами, унинг элементлари ва уларни баҳолаш тартиби қандай амалга оширилади?
11. Жиддийлик даражаси, уни аниқлашда қандай асосий кўрсаткичлар тизимига баҳо берилади?

**1-Масала.** Аудиторлик фирмаси мижозининг 3та катта магазинлари мавжуд. Унинг ҳар бирида бир нечта бўлимлари бўлиб, улар камида 5 йилда бир марта хужжатли текширишдан ўтиши керак. Аудитор олдига risk юқори бўлган бўлимларни мукамал текшириш вазифаси қўйилган. Магазинларнинг ҳар бирида ички назорат бўлими мавжуд. Ўтган йили магазинларда аудиторлик текшируви ўтказилган.

**Топшириқ:** Аудитор riskни баҳолаш учун нималарга эътибор бериши керак?

**2-Масала.** «ХХХ» фирмаси сизнинг аудиторлик фирмангизга текширув ўтказиб бериш юзасидан мурожаат қилди. Аввалги аудиторлик фирмаси билан шартноманинг бузилиш сабаби аудиторлик хулосасининг ўз вақтида тақдим қилинмаганлигидир.

«XXX» фирмасининг иккита бўлинмаси мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси бош офис билан бир жойда жойлашган. Биринчи бўлим корхона ва ташкилотларга иситиш ва совитиш системасини ўрнатиб беради. Барча ишлар истеъмолчиларнинг талабларига биноан шартнома асосида амалга оширилади. Иккинчи бўлинма бош офисдан 25 км узоқда жойлашган бўлиб, электр буюмларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Иккала бўлимда ҳам бухгалтер мавжуд бўлиб, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот алоҳида тайёрланади ва бош офисда консолидациялашган ҳисобот тузилади. Охирга йилларда биринчи бўлим даромадли бўлиб, иккинчи бўлимда рентабеллик пасайган. Директорлар Кенгаши иккинчи бўлимни сотиб юбориш учун харидор изламоқда. Биринчи бўлимнинг менеджерлари юқори малакали бўлиб, ишни тўғри ташкил қилишган. Шунинг учун директор акциялар курсини кўтариш мақсадида тезроқ аудиторлик хулосасини олишни режалаштирган.

**Топшириқ:** Аудиторлик рискига таъсир қилувчи омилларни аниқланг.



## 7-МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ТЕКШИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

**Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг:** Аудитни режалаштириш тамойиллари, аудитни дастлабки режалаштириш, аудитнинг умумий режасини тузиш, аудиторлик гуруҳини шакллантириш, аудит дастури, аудит амаллари, текширувда риск ва жиддийликни эсктраполяциялаш тартиби, аудиторнинг ишчи хужжатлари, бажариладиган ишлар ҳажми.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Аудитни режалаштиришнинг зарурияти нимадан иборат?
2. Аудит қандай мақсад учун режалаштирилади?
3. Хўжалик субъектининг қайси хужжатлари текшириш учун режалаштирилади ва нима учун?
4. Мижознинг ҳисоб тизими батафсил ўрганиш учун аудитор кузатишнинг қандай усулларидан фойдаланиши мумкин?
5. Аудиторга мижознинг тижорат тўғрисидаги маълумотлари нима учун зарур бўлади?
6. Аудитор назоратни баҳолаш учун қандай тадбирларни бажариш керак бўлади?
7. Аудитор ишларини режалаштиришда уни ўтказишни қандай умумий қоидаларидан фойдаланилади?
8. Аудит ишларини комплекс режалаштиришнинг умумий қоидалари нималардан иборат?
9. Аудит ишларини комплекс режалаштиришнинг узлуксизлик қоидаси (принципи) нимадан иборат?
10. Режалаштиришнинг оптималлик принципи нимадан иборат?
11. Аудитни режалаштиришнинг қандай асосий босқичлари мавжуд?
12. Аудит ишларини режалаштиришнинг натижаларидан қандай фойдаланилади?
13. Аудитни режалаштириш ҳажми нималарга боғлиқ?
14. Аудит ишларини режалаштиришнинг натижалари қандай хужжатлар билан расмийлаштирилади?
15. Аудитни дастлабки режалаштиришнинг мазмуни нимадан иборат?
16. Аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузиш стратегияси нима?
17. Аудитнинг умумий режасининг мазмунини изоҳлаб беринг?
18. Аудит дастурининг мазмунини изоҳлаб беринг?
19. Корхона билан боғлиқ умумий таваккалчилик тушунчасига нималар киради?
20. Аудитдаги аниқланмаган таваккалчилик нима?
21. Таваккалчилик даражасини баҳолашнинг қандай критериялари мавжуд?
22. Ички таваккалчилик нима?
23. Аудиторлик ишчи хужжатларининг аҳамияти нимадан иборат?

## 1-ТОПШИРИҚ

1. Аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузинг?
2. Мижоздан сўраб олинган ҳужжатларнинг рўйхатини тузинг?
3. Аудитни режалаштириш тўғрисида ҳисобот тузинг.
4. Аудит ўтказиш тўғрисида шартноманинг лойиҳасини тузинг.

## ТОПШИРИҚНИ БАЖАРИШ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР:

1. Ҳисоб сиёсатига оид буйруқлар.
2. Бухгалтерия баланси - №1 шакл.
3. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот - №2 шакл.
4. 2а-шакл «Дебитор ва кредиторлик тўғрисида»
5. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот - №3 шакл.
6. Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот - №4 шакл.
7. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот - №5 шакл.

## ТОПШИРИҚНИ БАЖАРИШ УЧУН КЎРСАТМАЛАР:

1. 1-Топшириқ корxonанинг таъсис ҳужжатлари ва ҳисобот маълумотларини ўрганиш орқали бажарилади ва бу ўз навбатида «Хўжалик субъекти тўғрисида умумий маълумотлар» бўлими учун материал сифатида хизмат қилади.
2. Ички назорат тизими баҳо беришда аудиторлик фаолиятида «Аудит ўтказишда бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими баҳо бериш ва ўрганиш» стандартларидан фойдаланилади. Олинган маълумотлар аудитни режалаштириш тўғрисидаги ҳисоботнинг «Ички назорат тизими ҳолатини баҳолаш» бўлими учун фойдаланилади.
3. Аудитнинг умумий режаси ва дастури корxonанинг фаолиятини ўрганиш асосида ички назорат тизимини баҳолаш ва молиявий ҳисоботни таҳлилини ҳисобга олган ҳолда тузилади; аудиторлик фаолияти стандартларига мос ҳолда расмийлаштирилади. (1-2 жадваллар)
4. Аудитнинг умумий режаси.

### 1-жадвал

	Режалаштирилган ишлар тури	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Изоҳ

5. Аудит дастури.

### 2-жадвал

№	Бўлим	Аудит бўлимлари	Ўтказиш	Бажа-	Ишчи	Изоҳ
---	-------	-----------------	---------	-------	------	------

	рақами	бўйича аудиторлик процедуралар рўйхати	даври	рувчи	ҳужжат- лар	

6. Аудит режаси ва дастурида текширув ўтказишда қўлланиладиган аудиторлик таҳлилий амалларини 3-жадвал кўринишида асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий қўйилмалар (инвестициялар), товар-моддий захиралар, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар, корхона хусусий капитали, молиявий натижалар аудити каби масалалар бўйича қуйидаги жадвал шаклида баён этинг.

### 3-жадвал

№	Аудиторлик таҳлилий назорат амаллари	Аудиторнинг ишчи ҳужжатлари

7. Хўжалик субъектидан сўраладиган ҳужжатлар рўйхатини тузишда ҳисоб шаклини ва ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш усулини ҳисобга олиш зарур бўлади. Ҳужжатлар рўйхатини 4-жадвал кўринишида тақдим қилиш мумкин.

8. Бажариладиган аудиторлик ишларини умумлаштиришнинг мақсади қуйидагилардан иборат бўлади:

- Ички назоратнинг ҳолатини аниқлаш;
- Аудитор ўтказиш учун шартноманинг мақсадга мувофиқлиги;
  - Режалаштирилган аудиторлик процедуралар турларини кўрсатилган ҳолда текшириладиган объектларни аниқлаш ва дастурини тузиш;
  - Шартнома бўйича аудиторлик хизмат учун сарфланадиган вақтни ва унинг баҳосини аниқлаш.

1-6-топшириқларни бажариш натижасида олинган материаллар асосида аудиторлик ҳисобот тузилади.

### **ҲИСОБОТНИНГ ТАХМИНИЙ ТАРКИБИ ВА МАЗМУНИ.**

1. Хўжалик субъекти тўғрисида умумий маълумотлар (корхона номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, манзили, таъсисчилар ва устав капитали тўғрисида маълумотлар ва раҳбарлари).
2. Ташкилий таркиби ва бошқарув тузилиши. (Бўлимлар таркиби, филиалларнинг мавжудлиги, бошқарув органлари ва бошқалар).
3. Бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши (ҳисоб шакли ва тизими, ҳужжатлаштириш тизими, ҳисоб ишларини таснифи).
4. Ички назорат тизимини баҳолаш.
5. Муаммоли жараёнлар, соҳалар ва аудит таваккалчилиги.
6. Аудитнинг дастури.
7. Шартнома бўйича сарфланадиган зарур иш вақти ва тўлов баҳоси ҳисоб-китобини 5-жадвал кўринишида расмийлаштириш мумкин.

## ТЕКШИРИШ УЧУН СЎРАЛАДИГАН ХУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

4-жадвал

№	Бўлим рақами	Текшириш объекти	Хужжатлар номи	Тақдим қилиш муддати	Олиш муддати	Изоҳ

## Шартнома бўйича сарфланадиган вақт ва баҳо ҳисоб-китоби

5-жадвал

№	Бўлим	Аудиторлик гуруҳининг раҳбари	Аудитор	Ассистент	Эксперт	Жами
1	Режалаштириш					
2	Аудиторлик текшириш					
	Пул маблағлари					
	Асосий воситалар ва номоддий активлар					
	Материал-ишлаб чиқариш захиралари					
	Ҳисоблашиш муомалалари					
	Молиявий натижалар					
	Капитал, фондлар ва резервлар					
	Бухгалтерия ҳисоботи					
3	Текшириш натижаларни расмийлаштириш					
	Умумий сарфланган вақт					
	1 соат ставкаси					
	Умумий суммаси					

Тузилган санаси

## **8-МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ТЕКШИРИШ ВАҚТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТИЗИМИНИ ВА ИЧКИ НАЗОРАТИНИ ЎРГАНИШ ҲАМДА БАҲОЛАШ**

**Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг:** Текшириладиган мижоз фаолиятини ўрганиш, бухгалтерия ҳисобини ташкил этилишини ўрганиш, корхонани ҳисоб сиёсати ва уни ўрганиш, ички назорат тизими, назорат муҳити, назорат амаллари, ички назорат тизимини баҳолаш меъёрлари.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Ички назорат тизими деганда нима тушунасиз?
2. Бухгалтерия ҳисоби тизими деганда нима тушунасиз?
3. Аудиторлик текширувида ички назорат тизимини аҳамияти нималардан иборат?
4. Корхоналарда ИНТ ва БХТ элементлари нималардан иборат?
5. Аудитор корхона ички назорат тизимини қандай баҳолайди?
6. Текшириладиган корхона (мижоз) фаолиятини қандай ўрганиш мумкин?
7. Бухгалтерлик ҳисобининг ташкил этилишини ўрганиш қандай амалга оширилади?
8. Корхона бухгалтериясининг ташкилий тузилмаси, ташкилий тузилмада кўрсатилган ҳар бир ходимнинг вазифалари ва масъулиятларининг баёни қандай ўрганилади?
9. Ҳисоб циклининг муҳим участкалари бўйича ҳужжатлар айланиш режа-графиғини текшириш қандай амалга оширилади?
10. Корхона ҳисоб сиёсатини ўрганиш қандай амалга оширилади?
11. Ички назорат тизимини ўрганиш қандай амалга оширилади?
12. Назорат муҳити деганда нималарни тушунасиз?
13. Назорат амаллари деганда нималарни тушунасиз?

**1-Масала.** Фирмангиз мижози “ХХХ” компанияси, қуйидаги келтирилган муаммони ҳал этиш бўйича сизга мурожаат этди. Компанияда қуйидаги функцияларни бажарувчи 3 та маъмурият ходими мавжуд ва бу ходимлар қуйидаги функцияларни бажаришлари лозим:

1. Бош китобни юритиш
2. Тўланадиган счётлар регистрларини юритиш
3. Олинадиган счётлар режа
4. Чекларни имзолашга тайёрлаш
5. Тўлов журналинини юритиш
6. Банкдаги счётларни назорат қилиш
7. Пул тушумларини йиғиш ва уларни банкдаги ҳисоб-китоб счётига ўтказиш

**Масалани ечиш учун талаблар:**

1. Келтирилган муаммо шундан иборатки юқорида келтириб ўтилган ходимлар бўйича бажариладиган функцияларнинг тўғри тақсимланмаганидир. Сиз ушбу функцияларини ходимлар ўртасида шундай тақсимланганки, натижада компанияда ички назорат юқори даражада ташкил этилсин.

2. Ҳар бир функцияни бажарувчи ходимларни лавозими бўйича ажратиб чиқинг.

**Аудит мақсади:** Ҳисоб сиёсатини меъёрий хужжатлар ва қабул қилинган Низомлар бажарилиш талабларига мувофиқлигини текшириш.

**Ҳисоб сиёсати аудитининг асосий вазифалари:**

1. Ҳисоб сиёсатини тўғри ташкил қилиш.
2. Ҳисоб сиёсатини Ўзбекистон Республикаси «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар талабларига мувофиқлигини текшириш.

**Топшириқ.**

1. Ҳисоб сиёсатини юритиш буйруғи билан танишинг.
2. Буйруқнинг «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» БҲМСга мувофиқлигига баҳо беринг.
  1. Аудит ўтказиш жараёнида ҳисоб сиёсатини зарурий жиҳатларини аудитор ишчи хужжатида акс эттиринг.
  2. Ҳисоб сиёсатини корхоналар ички назоратини ташкил қилиш таъсирини баҳоланг.

**Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар.**

1. Бажарилган ишлар натижалари "Текшириш назорат варағи" иш хужжатида ёзилган.
2. Ҳисоб сиёсатига ички назоратнинг бир элементи нуқтаи назаридан баҳо беринг.

Савол	Жавоб		Изоҳ
1. Ҳисоб ишларини ташкил қилиш 1.1. Хужжатлар айланиши графигини мавжудлиги. 1.2. Ишчи режесини мавжудлиги.	Ҳа	Йўқ	
2.1. Эскириш ҳисоблаш тартиби. Асосий воситалар бўйича: 2.1.1 Тўғри чизиқли усул. 2.1.2 Қолдиқни камайиш усули. 2.1.3 Кумульятив усул. 2.1.4 Ишлаб чиқариш усули.			
2.2. Номоддий активлар бўйича.			

2.2.1. Тўғри чизикли усул.			
2.2.2. Ишлаб чиқариш усули.			
2.3. Хўжалик жиҳозлари ва инвентарлар (А.Б.Т.Э.Б.) бўйича:			
2.3.1 100% ёки 50% ли усул.			
2.3.2 Тўғри чизикли усул.			
2.3.3 Ишлаб чиқариш усули.			
3.0 Асосий воситаларнинг таъмирлаш ҳисоби:			
3.1 Таъмирлашнинг амалга ошириш юзасидан харажатларни ққшиш.			
3.2 Асосий воситаларни тамирлаш учун захира ташкил қилиш.			
3.3 Ҳақиқий харажатларни келгуси давр харажатлари ҳисобига ҳисобдан чиқариш.			
4.0 Моддий бойликлар кирими ҳисоби:			
5.0 Материалларнинг баҳолаш тартиби:			
5.1 Ўртача қиймат бўйича (AVECO).			
5.2 LIFO			
5.3 FIFO			
6.0 Товарларнинг баҳолаш усуллари:			
6.1 Сотиб олиш баҳоси бўйича.			
6.2 Сотиш баҳоси бўйича.			
7.0 Ишлаб чиқариш харажатлари гуруҳлаш ва уларни ҳисобдан чиқариш:			
7.1 Тўла ишлаб чиқариш таннархи бўйича.			
7.2 Маржинал усул бўйича ёки қисман ишлаб чиқариш таннархи бўйича.			
8.0 Бевосита харажатларни маҳсулот ва хизматлар турлари бўйича қуйидагиларга мутаносиб равишда тақсимлаш:			
8.1 Асосий иш ҳақи бўйича.			
8.2 Тўғри (бевосита) харажатлар бўйича.			
8.3 Моддий харажатлар бўйича:			
8.4 Ҳар бир фаолиятдан тушган тушум бўйича (бунда жами тушум 100% деб қаралади); Бошқа усуллар.			
9.0 Тугалланмаган ишлаб чиқаришни балансда акс эттириш усуллари:			
9.1 Ҳақиқий таннарх бўйича;			
9.2 Режа таннарх бўйича;			
9.3 Харажатларнинг бевосита моддалари бўйича;			
10.0 Тайёр маҳсулотни баҳолаш тартиби:			
10.1 Ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича;			

10.2 Режа таннарх бўйича;			
11.0 Солиқлар юзасидан маҳсулотлар ҳисоби тартиби: 11.1 Товарлар (иш, хизматлар)ни жқнатиш (кқрсатиш) ҳамда ҳаридорлардан ҳисоб- китоб хужжатларини қабул қилиш тадбирлари бўйича; 11.2 Счётни тўлаш тартиби бўйича;			
12.0 Курс фарқлари ҳисоб усуллари: 12.1 9540-"Валюталар курслари фарқидан даромадлар" счёти қрдамида;			
13.0 Фондлар ва резервлар мавжудлиги; 13.1 Заҳира фонди; 13.2 Келгуси давр харажат ва тўловлари заҳираси; 13.3 Таъмирлаш бўйича; 13.3.1 Таътил ҳақи тўлови бўйича; 13.3.2 Ва бошқалар; 13.3.3 Махсус фондлар;			



## 9-МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАР

**Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг:** Аудиторлик далиллар, уларни олдига қўйилган талаблар, аудиторлик далил турлари, далилларни олиш манбалари, далилларни тўплаш кетма-кетлиги, аудиторлик амаллари ва далиллари ўртасидаги боғлиқлик, далилларни олиш усуллари, аудиторлик далилларидадан аудитнинг текширув иши натижаларидан фойдаланиш.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. “Ишчи хужжатлар” тушунчасини қандай тушунасиз?
2. Аудитор томонидан қандай ишчи хужжатлар тузилиши мумкин?
3. Мижозга қандай ишчи хужжатлар кўрсатилиши мумкин?
4. Аудиторлик далиллар нима?
5. Аудиторлик далилларнинг тайинланиши қандай ташкил этилади ва унинг олдига қандай талаблар қўйилади?
6. Аудиторлик далилларнинг қандай турлари мавжуд?
7. Аудиторлик далилларнинг қандай манбалари мавжуд?
8. ишчи хужжатлар қандай талабларга жавоб бериши лозим?
9. Аудиторлик амаллари ва аудиторлик далилларни тўплаш қандай амалга оширилади?
10. Аудиторлик далилларни олишнинг қандай усуллари мавжуд?
11. Аналитик процедуралар (таҳлилий амаллар) нима?
12. Аудиторлик ташкилотининг иш хужжатлари деганда нималарни тушунасиз?

**1-Масала.** Бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг тўғрилигини тасдиқловчи қуйидаги аудиторлик далиллари мавжуд:

Ҳақиқий текшириш вақтида аниқланган тугалланмаган ишлаб чиқариш хажмини кўрсатувчи инвентаризация маълумотлари

2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти бўйича бирламчи хужжат ва журнал ордерлар

2810- «Омбордаги тайёр маҳсулот» счёти бўйича бирламчи хужжат ва журнал ордерлар

Аудиторнинг ўзи иштирок этган ишлаб чиқариш захираларининг инвентаризация маълумотлари

**Топшириқ:** Келтирилган аудиторлик далилларини ишончлилик даражаси бўйича тизимга келтиринг.

**2-Масала.** Қурилиш ташкилоти ўзига тегишли бўлган ер майдонида ўз мақсадларида фойдаланиш учун бино кўрди. Аудитор қурилиш билан боғлиқ харажатларни миқдорини акс эттирувчи барча хужжатларни тўплади.

**Талаб қилинади:** Қурилиш таннархининг тўғри ҳисобланганлигини тасдиқловчи ёки инкор қилувчи аудиторлик далилларини топиш.

Ҳисоботда акс эттирилган харажатларнинг тўғрилигини 3-шахслардан олинган маълумотлар асосида тасдиқлаш.

**3-Масала.** «XXX» фирмасини текшириш жараёнида аудитор куйидаги аудиторлик далилларини тўплади:

1) «XXX» фирмаси ходими томонидан тайёрланган ҳақиқий харажатлар таҳлили;

2) «XXX» фирмасига тегишли бўлган акциялар миқдори ва мавжудлигини тасдиқловчи акционерлар реестридан кўчирма;

3) Аудиторнинг ўзи иштирок этган товар-моддий захиралар инвентаризацияси далолатномаси;

**Талаб қилинади:** Ушбу аудиторлик далилларининг ишончлилик даражасини аниқланг.

**4-Масала.** Аудитор томонидан куйидаги аудиторлик амаллари бажарилди:

1) Транспорт воситаларини рўйхатга олиш ҳужжатлари текширилди;

2) Транспорт воситаларини қабул қилишдаги бирламчи ҳужжатлар ва далалатномалар текширилди;

3) Транспорт воситаларининг ҳақиқий мавжудлиги аниқланди;

4) Транспорт воситаларини сотган мол етказиб берувчилардан оғзаки тасдиқ олинди;

**Талаб қилинади:** Юқорида бажарилган аудиторлик амалларининг қайси бири корхонанинг транспорт воситаларига эгалик қилиш ҳуқуқини исботлаб беради?

**5-Масала.** Куйида келтирилган далилларни манбаси (тўғридан-тўғри маълумот, ташқи ёки бошқа шу кабилар)га кўра туркуманг ва уларни муҳимлиги ва ишончлигига кўра тартиб билан қўйиб чиқинг:

А) Кредиторларнинг ойлик ҳисоботида кўрсатилган суммалар;

Б) Тасдиқланган ҳужжатларни рўйхатга олиш журналининг «Счётлар бўйича тўловлар» бўлимида кўрсатилган суммалар;

В) Аудиторга тўғридан-тўғри йўлланган кредиторлар хатидаги кўрсатилган суммалар;

Г) Директорлар Кенгаши мажлисидан кўчирмада кўрсатилган суммалар.

**6-Масала.** Аудиторлик далиллар бўйича ишчи стандарт талабига кўра, аудитор муҳимлиликка кўра тест ўтказишнинг куйидаги келтирилганларнинг биридан фойдаланиши мумкин а) Хўжалик операциялари бўйича тестлар ўтказиш; б) қолдиқлар бўйича тестлар ўтказиш; в) аналитик процедуралар.

Куйида эса алоҳида аудиторлик процедуралари санаб ўтилган ва сиз уларни юқорида айтиб ўтилган муҳимлиликка кўра тест ўтказишнинг қайси турига киришини жадвал асосида келтириб ўтинг:

1. Ҳақиқий натижалар билан режадаги кўрсаткичларни солиштириш.
2. Чеклар реестрида қайд этилган «Тўланган» чеклар бўйича проводкаларни топшириш.
3. Тўлашга доир ҳисобланган фоизларни қайта ҳисоб-китобини ўтказиш.
4. Заҳиралар айланувчанлик коэффицентини ҳисоблаш ва тармоқ бўйича таққослаш.
5. Йил охирига банк счётларини текшириш.
6. Реализация журнали проводкалари билан счёт-фактуралар ҳисобини солиштириб текшириш.
7. Йил охирига мавжуд корхона канцелярия заҳираларини инвентаризациядан ўтказиш.

## **10-МАВЗУ: ЭКСПЕРТ ИШЛАРИДАН ВА БОШҚА АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ МАЪЛУМОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ (2 соат)**

**Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг:** Экспертлар хизматидан фойдаланиш, эксперт ишининг мақсади ва ҳажми, эксперт хулосаси, эксперт хулосасининг таркиби, эксперт хулосасидан фойдаланиш

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Эксперт деганда кимлар назарда тутилади?
2. Аудитда эксперт ишларидан нима мақсадда фойдаланилади?
3. Аудиторлик текшируви вақтида жалб қилиниши мумкин бўлган қандай мутахассислар эксперт деб қабул қилиниши мумкин?
4. Экспертлар олдида қандай чекловлар қўйилган?
5. Аудиторлик текширувида эксперт иши натижаларидан қандай фойдаланилади?
6. Эксперт тушунчаси нима?
7. Эксперт хулосаси нимани англатади?
8. Бошқа аудиторларнинг иши натижаларидан қай тартибда фойдаланиш мумкин?
9. Асосий аудитор қандай маънони англатади?
10. Бошқа аудитор қандай маънони англатади?
11. Асосий ва бошқа аудиторларнинг қандай жавобгарликлари бор?

**1-Масала.** Аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилаётган текширув вақтида ушбу корхонада чет элдан асбоб-ускуналар олинганлиги маълум бўлди. Аудитор чет эл асбоб ускуналарини қабул қилиш, уларнинг баҳосини тўғри аниқлаш бўйича маълум қийинчиликларга учради. Шу сабабли, божхона ходимини хужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини, бож ва солиқларнинг тўғри тўланганлигини аниқлаб бериш учун эксперт сифатида таклиф қилди.

**Топшириқ:** Божхона ходими эксперт вазифасини бажариши мумкинми?

## 11-МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ТАНЛАШ

**Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг:** Аудиторлик танлаш турлари, танлаш кўлами, кузатиш бирлиги, танлаш бирлиги, танлаш услублари, танлаб олиш ҳажми, репрезентатив танлаш, танланган маълумотларни текшириладиган тўпламга тадбиқ қилиш, стратификациялаш, тасодифий танлаш, систематик танлаш, уйғунлашган танлаш, танлаш rischi.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Танлаш нима ва у аудитда танлаш қандай аҳамият касб этади?
2. Аудитор текширувда танловни қўллашдан мақсади нима?
3. Танлашнинг қандай турлари мавжуд ва у нималарга қараб фойдаланилади?
4. Аудиторлик танлашнинг қайси усули самаралироқ ва унинг қайси бирини танлашни ким тайинлайди, у нимага қараб белгиланади?
5. Аудиторлик танлашнинг натижаси нимада акс этади?
6. Аудиторлик танлашнинг қандай усуллари мавжуд?
7. Мувофиқ (мос) келишни танлаб текшириш деганда нимани тушунаси?
8. Моҳиятан танлаб текшириш. Танлаш кўлами қандай таърифланади?
9. Кузатиш бирлиги. Танлаш бирлиги. Танлаш услублари қандай таърифланади?
10. Сайлаб олиш ҳажми. Салмоқли (репрезентатив) танлаш қандай таърифланади?
11. Танланган маълумотларни текшириладиган тўпламга қандай тадбиқ қилинади?
12. Систематик танлаш қандай таърифланади?
13. Уйғунлашган танлаш қандай таърифланади?

**1-Масала.** Умумий хужжатлар сони 500та бўлиб, танлаб текшириладиган хужжатлар 50та.

**Топшириқ:** Танлаб олиш интервалини ва тасодифий танлаш тартибини аниқланг?

**2-Масала.** Аудитор мол етказиб берувчилар бўйича 60та хужжатни текшириб чиқди ва 2та хужжатда хатолик аниқланди. Мол етказиб берувчилар бўйича умумий хужжатлар сони 400та.

**Топшириқ:** Ушбу аниқланган хатоликнинг умумий тўпламга таъсирини аниқланг?

## 12-МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Аудит натижаларига қандай баҳо берилади?
2. Аудиторнинг ишчи ҳужжатларини таҳлил қилинг деганда нималар назарда тутилган?
3. Аудиторлик хулосаси қандай тузилади, унинг таркиби нималардан иборат бўлади ва уларда асосан қанақа маълумотлар акс этади?
4. Аудиторлик хулоса кимга тақдим этилади?
5. Аудиторлик хулосасининг кириш қисмида нима акс этади?
6. Аудиторлик хулосасининг аналитик қисмида нима акс этади?
7. Аудиторлик хулосасининг хулоса қисмида нима акс этади?
8. Аудит стандартлари бўйича хулосасининг нечта ва қандай турлари, шакллари мавжуд ва улар нималарга асосланиб расмийлаштирилади?
9. Қандай ҳолатлар аудиторлик хулосасининг турини аниқлайди:
  - Ижобий хулоса
  - Шартли-ижобий хулоса
  - Салбий хулоса
  - Хулоса беришдан бош тортиш.
10. Текшириш натижаларини баҳолашда муҳимлилик тамойилига асосланиладими, бунга сабаб нима?
11. Аниқланган хатолар жиддийлигига баҳо беринг.
12. Аниқланган хатоликларни тўғрилаш юзасидан маслаҳатлар беринг ҳамда кейинчалик юзага келиши мумкин бўлган хатоликлар ҳақида маълумотлар беринг.
13. Ҳолатлар бўйича хулосаларни 1-жадвалда акс эттиринг, шунингдек аудиторлик хулосасининг аналитик ва яқуний қисмини тайёрлаш учун олинган натижавий маълумотларга изоҳ ёзинг.
14. Аудиторлик хулосасининг санаси ва аудиторлик хулосасидаги имзолар тўғрисида нималар биласиз?
15. Аудиторлик хулосасида адресат қандай кўрсатилади?

### Топшириқни бажариш учун шартлар:

1. Маълумотларнинг яқунини 1-жадвал кўринишида расмийлаштириш лозим.
2. Аудиторнинг ишчи ҳужжатларини таҳлил қилишда сифат назоратини ўтказиш керак бўлади. Чунки, хулосани объектив бериш учун етарли аудиторлик далил ҳужжатларини йиғиш лозим бўлади.
  - Ишчи ҳужжатларни таҳлил қилишда аудитор ишонч ҳосил қилиш керакки, аудит дастури талабларига амал қилинишини; (бажарилган ишлар характери ва ҳажми қайд этилиши);
  - Ишчи ҳужжатлар аниқ шаклда, содда ва изоҳсиз тақдим қилиниши;

- Ишчи хужжатлардаги маълумотлар ҳисоб ва ҳисоботнинг мазмунини ташкил қилиши ва аудиторлик хулосанинг аналитик қисмига хулоса беришга мувофиқлиги;

3. Аудиторлик хулоса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 14.02 №20-сонли буйруғи билан тасдиқланган 70-сонли Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларининг «Молиявий ҳисоботнинг аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулоса» (Илова кўрсатилган талабларига) мувофиқ қилишлиги лозим.

4. Аудиторлик хулосанинг кириш қисмини тузиш учун иловадаги маълумотлардан фойдаланилади.

5. Аудиторлик хулосанинг аналитик қисми ишчи хужжатлардаги маълумотларга мувофиқ иловадаги ҳолатларда танлаб олинган вариантларга асосан тузилади.<sup>1</sup>

6. Аудиторлик хулосанинг тури машғулотлардаги танлаб олинган вариантларнинг маълумотларини умумлаштириш асосида аниқланади.

1-жадвал.

#### Текшириш натижалари

Ишчи хужжатлар манбаларига асосланиб далил келтириш	Қоида бузилиш-нинг моҳияти	Таъсири					
		Баланс		Солиқ солиш базаси		Солиқлар	
		Актив	Пас-сив	Кўрсат-кич	Сумма	Солиқ тури	Сумма
	Жами:						

2-жадвал

#### Ҳолатлар юзасидан яқун

Текшириш режаси	Ҳолат	Аниқланган хатолик моҳияти	Қайси меъёрий хужжат бузилган	Аниқланган хатолик жиддийлиги	Таъсири		Хатоларни тўғрилаш йўллари
					Молия-вий ҳисоботга	Солиққа тортилади ган базага	

**Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг:** Текширувнинг якуний босқичи, аудит натижаларини баҳолаш, аудиторлик ҳисоботи, унинг таркиби, тузиш тартиби, аудиторлик хулосаси ва унинг таркиби, хулоса турлари, хулоса тузишдан воз кечиш, ҳисобот ва хулоса учун жавобгарлик.

**1-масала.** «XXX» корхонаси қурилиш моллари сотиш билан шуғулланади. Қурилиш молларини сотиш нақд пулга ва пул ўтказиш йули билан амалга оширилади. 2008 йилда «XXX» корхонасининг сотишдан

<sup>1</sup> Хулосанинг аналитик қисми қуйидагиларни ўз ичига олади: ички назорат ҳолатини текшириш натижалари, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботини ҳолати, конун ва меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқ келишлиги; Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишда аниқланган жиддий номувофиқликлар ва молиявий конунларни бузилишларни ёзиб чиқиш.

тушган соф тушуми 75 миллион сўмни, шу жумладан нақд пулга сотилган товарлар ҳажми 1250 минг сўмни ташкил этган. Нақд пулга сотилган товарлар назорати ва ҳисоби талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги сабабли аудитор зарур аудиторлик амалларини қўллаб, етарли далил тўплай олмади.

**Талаб қилинади:** Ушбу ҳолатда аудитор қандай хулоса бериши керак?



## 13-МАВЗУ: АСОСИЙ ВОСИТАЛАР АУДИТИ

**Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг:** Асосий воситалар, уларнинг аудитини ўтказиш бўйича дастур тузиш, аудитда фойдаланадиган маълумот манбалари, асосий воситалар ҳисобини ҳужжатлаштириш, асосий воситаларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби аудити, асосий воситаларни солиққа тортишни текшириш, лизинг муносабатлари ва ижара мажбуриятлари аудити, хўжалик ва пудрат усулида бажарилган ишлар аудити.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Асосий воситалар ҳисобини аудит қилишда қандай меъёрий ҳужжатларга асосланилади?
2. Асосий воситаларни тўғри баҳоланганлигини қандай текшириб кўриш мумкин?
3. Асосий воситаларни мавжудлиги ва сақланишини текшириш учун қандай аудиторлик процедуралари қўлланилади?
4. Асосий воситалар ҳисобини аудит қилишда қандай ҳужжатлар ва бухгалтерия сўтлари текшириш манбалари бўлиб хизмат қилади?
5. Асосий воситаларни кирим қилиниши қандай текширилади (текинга, жисмоний ва юридик шахслардан сотиб олиш, қуриш, ҳисса қўшиш орқали ва ҳоказо)?
6. Транспорт воситаларини сотиб олишни текшириш хусусиятлари нимадан иборат?
7. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилиши (тугатилиши) қандай текширилади?
8. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашни тўғрилигини текшириш қандай амалга оширилади?
9. Асосий воситаларни таъмирлаш бўйича муомалаларни текширишда нималарга эътибор берилади?
10. Текинга берилган асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилишини текшириш хусусиятлари нималардан иборат?
11. Ижарага берилган асосий воситаларни текшириш қандай амалга оширилади?
12. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда қандай меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилади?
13. Лизинг муносабатлари ва ижара мажбуриятлари аудити қандай амалга оширилади?
14. Хўжалик усули ва пудрат усулида бажарилган таъмирлаш ишлари аудитининг қандай хусусиятлари мавжуд?

### Асосий воситалар аудитининг асосий вазифалари

1. Асосий воситаларни ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилиши, уларнинг бутлиги ва ҳаракатининг тўғрилигини текшириш.

2. Асосий воситаларни баҳолаш ва қайта баҳолашнинг тўғрилигини текшириш.

3. Асосий воситаларни кирими чиқими муомалалари бўйича проводкаларни тўғри берилганлигини ва тўлиқлигини ҳамда ҳисоб регистрларида тўғри акс эттиришни текшириш.

4. Асосий воситаларни сақланиши ва улардан фойдаланишни назорат қилиш.

5. Ҳисобланган амортизация ажратмаларини ва таъмирлаш харажатларни тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

6. Асосий воситалар муомалалари бўйича ҳисобланган солиқларнинг тўғрилигини текшириш.

**1-масала.** Аудиторлик текшируви жараёнида аудитор 2460 минг сўмлик асосий восита сотилганлигини аниқлади. Бу муомалалар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этган:

Асосий воситанинг баланс қиймати:

Д-т 9210      К-т 0130      2460 минг сўм

Асосий воситанинг эскириш суммасига:

Д-т 0260      К-т 9210      1200 минг сум

Асосий восита учун пул келиб тушган:

Д-т 5110      К-т 9210      2460 минг сум

Асосий воситани сотишдан молиявий натижа аниқланган:

Д-т 9430      К-т 9210      2340 минг сум.

**Талаб қилинади:** Йул қўйилган хатони аниқлаб, тўғри бухгалтерия проводкаларини беринг. Аудиторлик ҳисоботининг асосий воситалар бўлими учун маълумот тайёрланг.

**2-масала.** Бухгалтерия ҳисобини тиклаб бериш юзасидан хизмат кўрсатаётган вақтда аудитор қуйидаги ҳолатни аниқлади:

Корхонада ишлаб чиқариш учун мўлжалланган асосий восита сотиб олинган бўлиб, унинг қиймати ҚҚС билан биргаликда 12 миллион сўмни ташкил этади. Асосий воситани монтаж қилиш учун монтаж ташкилотига ҚҚС билан бирга 1200 минг сўм пул тўланган. Асосий восита учун амортизация меъёри 15%. Аудитордан асосий воситани киримга олиш, уч ойлик амортизация ҳисоблаш ва 2 коэффицент асосида асосий воситанинг қийматини ошириш (қайта баҳолаш) талаб қилинади.

**Талаб қилинади:** Ушбу муомаларни амалга оширинг ва бухгалтерия счётларида акс эттиринг. Асосий воситаларни қабул қилишда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни айтинг?

**3-масала.** Корхонада муддатидан аввал эскириши оқибатида иккита бошланғич қиймати 135000 сўмдан бўлган музлатгич ҳисобдан чиқарилган. Музлатгичлардан бирининг амортизация ажратмалари 118000 сўмни, иккинчисиники эса 120000 сўмни ташкил қилган. Тугатиш далолатномасида амортизация тўлиқ ҳисобланмаганлигининг сабаби

уларни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар йўқлиги деб кўрсатилган. Музлатгичларни ҳисобдан чиқариш учун ишчиларга демонтаж учун 3750 сўм иш ҳақи ҳисобланган, 4000 сўм металлом ҳамда 9500 сўмлик эҳтиёт қисмлар корхона омборига кирим қилинган. Корхона бухгалтери томонидан музлатгичларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган молиявий натижани 30650 сўм деб баҳолаб, уни 9590 сўмга ҳисобдан чиқарган.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**4-масала.** Аудиторлик текшируви жараёнида шу нарса аниқландики, текшириш даврида тасдиқланган далолатномага мувофиқ эскириш натижасида 2 дона юк кўтарадиган ускуналар ҳисобдан чиқарилган. Улар бўйича амартизация суммаси 140000 сўмни ташкил этади. Ҳисобдан чиқариш натижасида 3000000 сўмлик металлом киримга олинган. Юк кўтаргич ускуналарини демонтаж қилиш учун ишчиларга 280000 сўм иш ҳақи ҳисобланган ва 2010-«Асосий ишлаб чиқариш сўмга» ўтказилган. Киримга олинган металлом бухгалтерия ҳисобида 1090 сўмнинг дебети ва 9320-сўмнинг кредитига ёзув қилинган. Ҳар бир юк кўтаргич ускунасининг тугатиш натижалари бухгалтерияда алоҳида ҳисобга олинмаган ва тегишли аналитик сўмларда акс эттирилмаган. Далолатномада кўрсатилишича юк кўтариш ускуналарини муддатидан илгари ҳисобдан чиқарилишига асосий сабаб ундан узлуксиз равишда фойдаланилганлиги ва юқори намлик жойда ишлатилиши эканлиги кўрсатилган.

Корхона бухгалтери томонидан бухгалтерия ҳисоби регистрларида юқоридаги муомалалар қуйидагича акс эттирилган:

Д-т 9210 сч, К-т 0130 сч -180000 сўм

Д-т 0230 сч, К-т 9210 сч -140000 сўм

Д-т 9431 сч, К-т 9210 сч -403000 сўм

Д-т 1040 сч, К-т 9210 сч -300000 сўм

Д-т 2010 сч, К-т 6710 сч -280000 сўм

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, ушбу муомалалар бўйича аудиторлик далолатномасини тузинг.

**5-масала.** Корхона томонидан жорий йилда бинонинг реконструкцияси учун 3 йил муддатга хорижий валютада кредит олинган. Лойиҳа бўйича ўтган йилнинг декабр ойида ишлар тугатилган ва объект ишга туширилган. Ҳисобот йилида мазкур шартнома бўйича банк хизмати учун ва унинг фоизи учун тўловларни амалга оширган. Лекин ўтган йилларда олинган кредитор қарзлар ўз вақтида тўлаб берилмаган. Бухгалтерия ҳисобида валюта бўйича кредитлар қуйидагича акс эттирилган:

Д-т 2010 сўм - 132000 сўм.

к-т 5210 сўм - 132000 сўм.

(Шу жумладан 120000 сўм - кредит учун фоиз 12000 сўм - банк хизмати).

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўлиқ ва тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, ушбу муомалалар бўйича аудиторлик далолатномасини тузинг.

**6-масала.** Корхонада асосий воситаларни танлов асосида инвентаризация қилишда дастлабки нархи 800000 сўм, амортизацияси 300000 сўмлик объект етишмаслиги аниқланди.

Ҳисобот йилининг декабр ойида бу объект шартномага кўра унинг нархи 156000 сўм инвентаризация ўтказиш пайтида аудиторга шартнома ва қабул топшириш акти тақдим этилган. Аудиторлик текшируви жараёнида корхона асосий воситаларидан бир қисмини сотиб юборганлиги ва бу муомалалар бухгалтер томонидан ўз вақтида ҳисобга олинмаганлиги аниқланди. Шунингдек, ушбу хўжалик муомалалари ҳисобот йилининг 31 декабригача бўлган ҳолати бўйича бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилмаганлиги текширув жараёнида маълум бўлди.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўлиқ ва тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, ушбу муомалалар бўйича аудиторлик далолатномасини расмийлаштиринг.

### Мисол 1.

“АВС” корхонаси маълум бир турдаги асосий воситани сотиб олди. асосий воситани олиб олиш баҳоси 100000 сўм. (ҚҚС билан бирга) Асосий воситани сотиб олиш билан бирга қуйидагича харажатлар қилинган, яъни

- Асосий воситани олиб келиш харажатлари - 10000 сўм
- Ўрнатиш харажатлари – 2000 сўм
- Бюджетдан ташқари фондларга ажратма – 100 сўм

Шунда бухгалтер қуйидагича ўтказмалар бажарган:

1) Дт 0820 100000	2) Дт 4410 20000
Кт 6010 100000	Кт 6010 20000
3) Дт 0820 10000	4) Дт 0820 2000
Кт 6010 10000	Кт 6710 2000
5) Дт 0100 112000	
Кт 0820 112000	

Корхона бухгалтери йўл қўйган хатони ва бу йўл қўйилган хато қандай оқибатларга олиб келишини аниқланг.

### Мисол 2

Аудиторлик текшируви жараёнида аудитор 3640 минг сўмлик асосий восита сотилганлигини аниқлади. Бу муомалалар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этган:

Асосий воситанинг баланс қиймати:

Дт 9210 Кт 0130 3640 минг сўм

Асосий воситанинг эскириш суммасига:

Дт 0260 Кт 9210 1500 минг сўм

асосий восита учун пул келиб тушган:

Дт 5110 Кт9210 3640 минг сўм

Асосий воситани сотишдан молиявий натижа аниқланган:

Дт 9430 Кт9210 3560

Йўл қўйилган хатони аниқлаб, тўғри бухгалтерия проводкаларини беринг. Аудиторлик ҳисоботининг асосий воситалар бўлими учун маълумот тайёрланг.

### **Мисол 3**

Корхонада асосий воситаларни танлов асосида инвентаризация қилишда дастлабки нархи 750000 сўм, амортизация 250000 сўмлик объект етишмаслиги аниқланди.

Ҳисобот йилининг декабр ойида бу объект шартномага кўра унинг нархи 166000 сўм амортизация ўтказиш пайтида аудиторга шартнома ва қабул топшириш акти тақдим этилган. Аудиторлик текшируви жараёнида корхона асосий воситаларидан бир қисмини сотиб юборганлиги ва бу муомалалар бухгалтер томонидан ўз вақтида ҳисобга олинмаганлиги аниқланди. Шунингдек, ушбу хўжалик муомалалари ҳисобот йилининг 31 декабригача бўлган ҳолати бўйича бухгалтерия ҳисоби счетларида акс эттирилмаганлиги текширув жараёнида маълум бўлди.

Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўлиқ ва тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, ушбу муомалалар бўйича аудиторлик далолатномасини расмийлаштиринг.

### **Мисол 4**

“ДШС” корхонаси мебел ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Корхона 2005-йилда ташкил топган. 2005-йилда мебелларни обшивка қилишга мослашган ускуна сотиб олган ва ҳисоб сиёсатида мувофиқ тезлашган амортизация усулидан фойдаланади.

Ускунани 2005-йилдаги сотиб олиш баҳоси 1000000 сўм бўлган. фойдали хизмат муддати 5 йил. тугатиш қиймати 100000 сўм.

1 йил 1000000-40 %

2 йил 600000-40 %

3 йил 360000-40%

4 йил 216000-40%

5 йил қолдиқ-29600

Шу йилда амортизация ҳисобланиши керак эди. Лекин харажатларни камайтириш мақсадида бухгалтер йиллар йиғиндиси усулини танлаган.

Талаб қилинади: Йўл қўйилган хатолик ва шу хатоликларнинг корхонага таъсирини аниқланг?

### **Мисол 5**

Бухгалтерия ҳисобини тиклаб бериш юзасидан хизмат кўрсатаётган вақтида аудитор қуйидаги ҳолатни аниқлади:

Корхонада ишлаб чиқариш учун мўлжалланган асосий восита сотиб олинган бўлиб, унинг қиймати ҚҚС билан биргаликда 13 миллион сўмни ташкил этади.

Асосий воситани монтаж қилиш учун монтаж ташкилотига ҚҚС билан бирга 1300 минг сўм тўлаган. асосий восита учун амортизация меъёри 15%. Аудитордан асосий воситани киримга олиш, уч ойлик амортизация ҳисоблаш ва 3 коэффицент асосида асосий воситанинг қийматини ошириш (қайта баҳолаш) талаб қилинади.

Талаб қилинган ушбу муомалаларни амалга оширинг бухгалтерия счетларида акс эттиринг. Асосий воситаларни қабул қилишда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни аниқланг.

### **Мисол 6**

Корхона томонидан жорий йилда бинонинг реконструкцияси учун 2 йил муддатга хорижий валютада кредит олинган. Лойиҳа бўйича ўтган йилнинг декабр ойида ишлар тугатилган ва объект ишга туширилган. Ҳисобот йилида мазкур шартнома бўйича банк хизмати учун ва унинг фоизи учун тўловларни амалга оширган. Лекин ўтган йилларда олинган кредитор қарзлар ўз вақтида тўлаб берилмаган. Бухгалтерия ҳисобида валюта бўйича кредитлар қуйидагича акс эттирилган:

Дт 2010 146000 сўм

Кт 5210 146000 сўм

(Шу жумладан, 134000 сўм-кредит учун фоиз, 34000 сўм – банк хизмати учун)

Корхона бухгалтерии томонидан юқоридаги муомалалар тўлиқ ва тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, ушбу муомалалар бўйича аудиторлик далолатномасини тузинг.

### **Мисол 7**

Корхонадан муддатидан аввал эскириш оқибатида иккита бошланғич қиймати 145000 сўмдан бўлган музлаткич ҳисобдан чиқарилган. музлаткичлардан бирининг амортизация ажратмалари 115000 сўмни, иккинчисиники эса 110000 сўмни ташкил қилган. Тугатиш далолатномасида амортизация тўлиқ ҳисобланмаганлигининг сабаби уларни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар ёқилғи деб кўрсатилган. Музлаткичларни ҳисобдан чиқариш учун ишчиларга демонтаж учун 5650 сўм иш ҳақи ҳисобланган, 6000 сўм металл хамда 11000 сўмлик эҳтиёт қисмлар корхона омборига кирим қилинган. Корхона бухгалтерии томонидан

музлаткичларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган молиявий натижани 45000 сўм деб баҳолаб, уни 9590 сўмга ҳисобдан чиқарилган.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

### **Мисол 8**

Таъсис ҳужжатларига кўра маъсулияти чекланган жамият устав капитали – 15000 минг сўм. Жамият таъсисчи жисмоний шахс бўлиб, у улуш сифатида технологик ускунани киритди. Ускунани етказиб бериш бўйича харажатлар ҚҚС билан бирга 245000 сўмни ташкил этди.

Ускуна – улушнинг бошланғич қиймати 1625 минг сўм, унинг корхона томонидан кирим қилиниши қуйидаги бухгалтерия ўтказмаларида акс эттирилган:

- |                                     |                                 |
|-------------------------------------|---------------------------------|
| 1) Дт 4610 1500<br>Кт 8330 1500     | 2) Дт 0820 1625<br>Кт 4610 1625 |
| 3) Дт 0820 245000<br>Кт 2310 245000 | 4) Дт 0120 1500<br>Кт 0820 1500 |

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, йўл қўйилган хатоларни аниқланг.

### **Мисол 9**

Корхона ускуна сотиб олди. Олди-сотди шартномасида ускунанинг нархи АҚШ долларларида кўрсатилган - 15000 \$/. Шартномага кўра тўлов (100%) Марказий банкнинг тўлов санасидаги курс бўйича сўмда амалга оширилади. Тўлов 5-сентябрда амалга оширилди, ускуна эса 18-сентябрда олинди. АҚШ долларнинг сўмга нисбатан курси қуйидагича бўлган:

5-сентябрда – 1 АҚШ доллари 1422.6 сўм

18 сентябрда – 1 АҚШ доллари 1426.24 сўм

Ускунанинг бошланғич қиймати – 2139360 сўмни ташкил қилади.

Талаб қилинади: Ушбу муомалаларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттиринг.

### **Мисол 10**

“МАЛИКА” фирмаси аёллар кийимини тикиш билан шуғулланади. Бу фирма 2000-йилда ташкил топган. Фирма қуйидаги асосий воситаларга эга яъни бино, машина, тикув ускуналари ва бошқалар. Жорий йилга келиб фирма асосий воситаларни таъмирлашдан ўтказди. Бунда хўжалик усулидан фойдаланди. Шунда корхона бухгалтери томонидан қуйидагича

Дт. 8910 1000000

Кт 2310 1000000 проводка берилган.

**Талаб қилинади:** Йўл қўйилган хатоликларни аниқланг.

**11-масала** Корхона 4 йил муддат ичида фойдаланиш кутиладиган ускунани 1 750 000 сўмга сотиб олди . Ушбу ускунани тугатиш қиймати 175000 сўмга баҳоланган .Мазкур ускуна билан боғлиқ қўйидаги операциялар амалга оширилган ;

1) Ускунани 2 йили ишлатиш давомида янги таркибий қисм учун 140 000 сўм тўланди ,унинг фойдаланиш натижасида ускунанинг унумдорлиги 10% ошиши кутилмоқда .

2) Учинчи йил давомида ускунани фойдали хизмат муддатини 4 йилдан 6 йилгача ошириш имконини яратувчи таъмирлаш учун 930 000 сўм тўланди.

3) Тўртинчи йил давомида ускунани иш ҳолати ёмонлашмаслиги учун амалга оширилган таъмирлашга 250 000 сўм сарфланди .

Аудиторлик текшируви жараёни натижасида ушбу операциялар бўйича қўйидаги бухгалтерия проводкалари берилган ,

1) Дт 0130 Кт 6010 1 750 000

2) Дт 0130 Кт 6010 1 070 000

3) Дт2010 Кт 6010 250 000

Топшириқ Юқоридаги муомалаларни тўғрилигини текширинг ва аудиторлик ҳисоботини тайёрланг .

**12-масала.** Корхона янги фаолиятни юритиш учун 15000 000 сўмга ер участкасини сотиб олди Ер участкасини сотиб олишда қўшимча қўйидаги харажатлар қилинган : брокер хизмати учун 25000 сўм ,ер участкасини корхона номига расмийлаштириш учун нотариусга 55 000 сўм тўланган .Ер участкасини ободонлаштириш учун (бошқа ташкилотга ) 125000 сўм харажат қилинган.Аудиторлик текшируви жараёнида бош бухгалтер томонидан сотиб олинган ер участкасини бухгалтерияда қўйидагича акс эттирилгани кўрсатилган ;

1) Дт 0110 Кт 5110 15 000 000 ,

2) Дт 9430 Кт5110 205 000,

Топшириқ Юқоридаги муомалалар тўғрилигини текширинг ва ушбу ҳолат бўйича аудиторлик ҳисоботини тузинг.



## 14-МАВЗУ: НОМОДДИЙ АКТИВЛАР АУДИТИ

**Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг:** номоддий активлар, уларни аудиторлик текширувидан ўтказиш дастури, аудитнинг маълумот манбалари, номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг тўғрилигини текшириш, номоддий активлар синтетик ҳисоби ва солиққа тортишнинг тўғрилигини текшириш, номоддий активлар аудити натижаларини баҳолаш

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Номоддий активлар ҳисоби қайси меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солиниб турилади?
2. Номоддий активлар баҳоланишининг тўғрилиги қандай текширилади?
3. Номоддий активлар реаллигини текширишда қандай аудиторлик процедуралар қўлланилади?
4. Номоддий активларни ҳужжатларда расмийлаштиришни ва киримга олинишини тўғрилигини қандай текширилади?
5. Номоддий активларни ҳисобдан чиқарилиши қандай текширилади?
6. Номоддий активларни аналитик ҳисобини текшириш тартиби қандай амалга оширилади?
7. Номоддий активларга амортизация ҳисоблашни тўғрилигини қандай текширилади?
8. Номоддий активларни аудит қилишда қандай ҳужжатлар ва бухгалтерия счётлари текширишни манбалари бўлиб хизмат қилади?

### Номоддий активлар аудитининг асосий вазифалари

1. Активларни номоддий активларга тўғри киритилганлигини текшириш.
2. Номоддий активлар ҳаракатини ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилишини текшириш ва уларнинг бошланғич қиймати тўғри шаклланганлигини текшириш.
3. Номоддий активлар кирими ва чиқими муомалалари бўйича проводкаларни тўғри берилганлигини ва тўлиқлигини ҳамда ҳисоб регистрларида тўғри акс эттирилишини текшириш.
4. Ҳисобланган амортизация ажратмаларини Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатларига мувофиқ акс эттирилганлигини текшириш.
5. Номоддий активлар муомалалари бўйича ҳисобланган солиқларни тўғрилигини текшириш.

**1-масала.** Корхона жисмоний шахсдан хусусийлаштирилган квартирани сотиб олди ва уни номоддий актив сифатида 0490 «Номоддий активлар» счётига ўтказилди. Нотариал идорасига сотиш ва сотиб олиш

шартномасини расмийлаштириш учун унинг хизматига 52100 сўм нақд пул тўланди.

Харидор билан ҳисоб-китоб муомалалари корхонанинг ҳисоб-китоб счётидан харидорнинг омонат кассасидаги шахсий счётига 11000000 сўм ўтказиб берилди? Бу муомала учун омонат банкининг хизматига 78000 сўм тўлаб берди.

Нотариал идорасига ва омонат Банкнинг хизмати учун тўланган 130100 сўм чет ташкилотлар хизмати харажатларига ҳисобдан чиқарилган.

Бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ёзув қилинган:

Д-т 2010 сч, к.т 5010 сч - 52100 сўм - нотариал идорасининг хизмати.

Д-т 0490 сч, к.т 5110 сч - 11000000 сўм - сотиб олиш қийматига.

Д-т 2010 сч, к.т 5110 сч - 78000 сўм - банк хизмати учун.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудит ҳисоботини тузинг.

**2-масала.** Корхона программа таъминотини ҚҚС билан биргаликда 246000 сўмга сотиб олди. Маслаҳат учун фирма томонидан ҚҚС билан биргаликда 36000 сўм тўланган. Корхона бухгалтерия ҳисобида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари қилинган.

Д-т 6010 К-т 5110 240000-Программа таъминотига тўлов қилинди.

Д-т 0830 К-т 6010 200000-Программа таъминоти сотиб олинди.

Д-т 6410 К-т 6010 40000-ҚҚС суммасига

Д-т 9429 К-т 6010 30000-Маслаҳат хизмати суммасига

Д-т 0430 К-т 0830 200000-Программа таъминоти киримга олинди

Д-т 6010 К-т 5110 36000-Маслаҳат хизмати учун тўлов амалга

оширилди

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудит ҳисоботини тузинг.

**3-масала.** Ташкилот товар белгиси ишлаб чиқади. Реклама агентлигига товар белгиси ишлаб чиқиш юзасидан фирма харажатлари 100000 сўм шу жумладан ҚҚС-20000 сўм. Товар белгисини рўйхатга олиш харажатлари 18000 сўм. Ҳисоб регистрларида қуйидагига бухгалтерия ёзувлари қилинган.

Д-т 6010 К-т 5110 120000

Д-т 0830 К-т 6010 100000

Д-т 6410 К-т 6010 20000

Д-т 6990 К-т 5110 18000

Д-т 9429 К-т 6990 18000

Д-т 0410 К-т 0830 100000

Д-т 6010 К-т 5110 20000

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудит ҳисоботини тузинг.

**4-масала.** Корхона товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини 5-йилга 100000 сўмга ҚҚС суммаси 20000 сўмга сотиб олди. Бухгалтерия ҳисобида берилган Хўжалик муомалалари қуйидагича акс этди:

Д-т 6010 К-т 5110 120000

Д-т 0420 К-т 6010 120000

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудит ҳисоботини тузинг.

**3-масала** “Coca-cola” фирмасида 2006 йили 1 декабрда 10 000\$ қийматли шартнома имзоланди “Pepsi” фирмаси яхна ичимликлар савдоси билан Pepsi фирмаси 10 декабрда 10000\$ суммани “Coca-cola” фирмасига тўлаб берган. Аммо Coca-cola ичимликлари 2010 йилда етказиб берилиши келишилган Coca-cola фирмаси бош бухгалтери 10000\$ суммасини 9010 счётига кирим қилган 2006 йилда фирманинг солиққа тортилгунча фойдаси 300 000\$ .Солиқ ставкаси 20% ташкил этади.

ТОПШИРИҚ. Сиз аудитор сифатида бажарилган бухгалтерия ҳисоб-китобларини текширинг ва аудиторлик далолатномасини тузинг

### **Масала №1**

Корхона ўз кучи билан номоддий актив ишлаб чиққан. Ишлаб чиқариш натижалари: ходимларга иш ҳақи ҳисобланди-100000, Номоддий активни ишлаб чиқаришда фойдаланилган компьютерларга ҳисобланган амортизация – 250000, сарфланган материаллар-250000 сўм. Номоддий активни бухгалтерияга қабул қилиш бўйича қуйидаги проводкалар берилган.

Дт 0890-500000

Дт 0430-500000

Кт 1010-250000

Кт 0230-250000

Номоддий активга қилинган ҳақиқий харажатларни аниқланг.

### **Масала №2**

Корхона “Грант” маълумотлар базаси Мутлоқ ҳуқуқи эгаси. Ҳуқуқнинг бош қиймати -200000, амортизация суммаси-100000. Тайёрловчи фирманинг нархлар тўғрисидаги маълумотига кўра худди

шундай номоддий активлар қиймати-300000 сўмга тенг. Яъни 1,5 коэффициентга ошган.

$$\begin{array}{ll} 1) 300000/200000=1,5 & 2) 200000*1,5=300000 \\ 300000/10000=3 & 10000*3=30000 \end{array}$$

Дт 8510-20000  
Кт 0510-20000

Дт0410-100000  
Кт8510-100000

Қайта баҳолашнинг тўғри ҳисобланганлигини текширинг.

### Масала №3

“Дилноза” корхонаси ўз Номоддий активни бошқа ташкилотга сотди. Номоддий активнинг бошланғич қиймати-700000, амортизация 350000, шартнома қиймати (ҚҚС билан) 950000. номоддий активдан воз кечиш шартномасини рўйхатдан ўтказиш учун бож 100000 сўм.

ҚҚС ни ҳисоблаш:  
 $[950000-(700000-350000)]*20\%/120=100000$

Молиявий натижа:  
 $950000-100000-350000-100000=400000$

бухгалтер томонидан қуйидаги проводкалар берилган.

1) Дт 4010-950000  
Кт 9220 - 950000

2) Дт 9220-100000  
Кт 6990-100000

3) Дт 6990-100000  
Кт 5110 - 100000

4) Дт 9220-100000  
Кт 9320-400000

5) Дт 5110-950000  
Кт 4010- 950000

**Топширик** Юқоридаги маълумотлар асосида тўғри бухгалтерия проводкаларини беринг ва аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

### Масала №4

Ишлаб чиқариш корхонаси бошқа корхонани 100 млн. сўмга сотиб олди. сотиб олинаётган корхонанинг баланс маълумотларига кўра, унинг активлари қиймати 80 млн. мажбуриятлар суммаси 15 млн. сўмга тенг. Ҳосил бўлган гудвилл суммаси 20 млн. корхона ҳисоб сиёсатига кўра гудвиллнинг фойдали хизмат муддати 10 йил деб белгиланган.

Дт 2010-83333

Кт 0480- 83333

**Топширик** Бухгалтерия томонидан ҳисобланган гудвиллнинг суммасини тўғри ҳисобдан чиқарилганлигини аниқланг.

### **Масала №5**

Корхона жисмоний шахсдан хусусийлаштирилган квартира сотиб олди, ва уни номоддий актив сифатида қабул қилди. Нотариал идорасига сотиш ва уни сотиб олиш шартномасини расмийлаштириш учун унинг хизматига 52100 сўм тўланди. жисмоний шахснинг счегига 11000 минг сўм ўтказди. банк хизмати учун 78000 сўм тўланган натариусга ва банк хизмати учун тўланган маблағ чет ташкилотлар хизмати харидорларига кўшилди.

1) Дт 2010-52100  
Кт 5010 - 52100

2) Дт 0490-11000  
Кт 5010-11000

3) Дт 2010-78000  
Кт 5110 - 78000

**Топширик** Бухгалтер томонидан берилган праводкаларнинг тўғрилигини текширинг.

### **Масала №6**

Корхона товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини 5 йилга 100 минг сўмга (ҚҚС суммаси 20 минг), сотиб олди. Бухгалтерия ҳисобида берилган муомалалар қуйидагича акс этган.

1) Дт 6010-120000  
120000

2) Дт 0420-

Кт 5110 - 120000

Кт 6010-120000

**Топширик** Бухгалтер томонидан берилган праводкаларнинг тўғрилигини текширинг.

### **Масала №7**

2005 йилда очилган “АВС” корхонаси маълум турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади. корхона 2006 йил 1-февралда шу маҳсулотни сотиш учун лицензияни сотиб олиш баҳоси 100 минг сўм. ҳақиқий таннархи -120000 сўм. ўша вақтнинг ўзида корхона бухгалтери

1) Дт 0830- 100000  
Кт 6010- 83667  
Кт 6410- 16333

2) Дт 0410-100000  
Кт 0830- 100000

**Топширик** Юқоридаги маълумотлар асосида тўғри бухгалтерия проводкаларини тўғрилигини текширинг ва аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

### **Масала №8**

МЧЖда Устав капитали икки муассис ҳисобига шакилланди. Муассисларидан бири ўз улушини Номоддий актив сифатида киритди. ушбу номоддий активнинг қиймати тарафларнинг келишувига кўра 500 минг сўмга баҳоланди.

Дт 0400-500000

Кт 4610- 500000

**Топширик** Юқоридаги маълумотлар асосида тўғри бухгалтерия проводкаларини тўғрилигини текширинг.

### **Масала №9**

“Феруза” ХФ балансида номоддий актив мавжуд бўлиб, унинг бошланғич қиймати- 1000 минг, амортизация – 200 минг сўм ташкил қилади. Инвентаризация натижасида ушбу номоддий активдан келгусида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Ушбу муомаларга бухгалтер куйидагича ёзув берилган.

Дт 9220- 1200000

Кт 0470- 1200000

Дт 9430 – 800000

Кт 9220 – 800000

**Топширик** Юқоридаги маълумотлар асосида тўғри бухгалтерия проводкаларини тўғрилигини текширинг.

### **Масала №10**

“Шарқ” ХФ муаллифлик шарти бўйича 1 млн. сўм тўлаб, “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” китобини 5 йил давомида 400 минг нусхада нашр қилиш ҳуқуқини сотиб олди. Ҳисоб сиёсатида амортизация ҳисоблаш усули тўғри чизиқли усул деб танланган. йил давомида ҳисобланган амортизация суммасига берилган проводка

Дт 2010-400000

Кт 0500- 400000

**Топширик** Юқоридаги маълумотлар асосида тўғри бухгалтерия проводкаларини тўғрилигини текширинг.

## **15-МАВЗУ: МОЛИЯВИЙ ҚҶЙИЛМАЛАР (ИНВЕСТИЦИЯЛАР) АУДИТИ**

**Қуйидаги атамаларга изох беринг:** молиявий инвестициялар, уларнинг турлари, инвестицияларни текширувидан ўтказиш дастури, маълумот манбалари, молиявий инвестициялар ҳисоби ва ҳисоботини тўғрилигини текшириш, инвентаризациядан ўтказиш, молиявий инвестицияларни солиққа тортилишини, даромадлигини текшириш.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Ўзбекистон Республикасида касса муомалаларини юритиш тартиби қайси меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тартибга солиниб турилади?
2. Касса муомалаларини текширишнинг вазифалари ва кетма-кетлиги нималардан иборат?
3. Касса муомалаларини текширишнинг қандай усуллари қўлланилади?
4. Касса қоидаларига риоя қилинишини текширишга нималар киради?
5. Кассадаги нақд пуллар ва қимматли қоғозларни тўғри сақланишини қандай текширилади?
6. Банк муомалаларини текширишнинг вазифалари ва кетма-кетлиги нималардан иборат?
7. Банкдаги счётлар бўйича муомалаларни ишончилигини ва мақсадга мувофиқлигини текширишда қандай аудиторлик процедураларидан фойдаланилади?
8. Касса ва банк муомалаларини аудит қилиш учун қайси ҳужжатлар ва бухгалтерия счётлари текшириш манбалари бўлиб ҳисобланади?
9. Юридик ва жисмоний шахсларга нақд пулга маҳсулотлар реализация қилишни текшириш тартиби қандай амалга оширилади?
10. Ҳисобдор шахсларга берилган нақд пулларни текшириш тартиби қандай амалга оширилади?
11. Касса муомалаларини расмийлаштириш тартибини текшириш қандай амалга оширилади?
12. Кассадан бериладиган нақд пулларни назорат қилиш қандай амалга оширилади?
13. Касса дафтарини юритиш тартиби ва нақд пулларни сақлашни тўғрилигини назорат қилиш қандай амалга оширилади?
14. Хорижий валютадаги пулларни қабул қилиш ва тарқатишни назорат қилиш қандай амалга оширилади?
15. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни қайси меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тартибга солиниб турилади?
16. Хорижий валютада амалга оширилган ҳисоб-китобларни аудит қилишда қайси ҳужжатларни текшириш зарур бўлади?
17. Валюта счётини аудит қилишнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
18. Молиявий қўйилмаларни назорат қилишда қандай меъёрий ҳужжатларга асосланиб амалга оширилади?

19. Молиявий қўйилмаларни аудит қилиш қандай ҳужжатлар ва бухгалтерия счётлари текшириш манбалари бўлиб хизмат қилади?

**Аудитнинг мақсади.** Молиявий қўйилмалар тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоботини ҳаққонийлигини ва унинг самарадорлигини тасдиқлаш.

**Аудитнинг асосий вазифалари:**

1. Узоқ муддатли ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, активлар тўғрисида маълумотларни олиш.
2. Молиявий қўйилмаларни юридик жиҳатдан ҳаққонийлигини аниқлаш.
3. Қимматбаҳо қоғозлар муомалаларини бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилишини ва қонунийлигини текшириш.
4. Қимматбаҳо қоғозлар муомалалари бўйича ҳисоб-китобларни солиқ қонунчилигига амал қилинишини текшириш.
5. Қимматли қоғозлар бўйича олинган дивидендларнинг тўлаш бўйича муомалаларини текшириш.

**1-масала.** Ўтган йили «XXX» компанияси 50000 сўмлик векселни 2500 сўм дисконт билан сотиб олди. Векселни амал қилиш муддати 1,5 йил. Бухгалтерия ҳисобида вексел сотиб олиш қийматида кирим қилинган, сўнгра векселдан сув таъминоти бўйича тўловни амалга ошириш учун фойдаланилди.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг ва ҳолатга баҳо беринг.

**2-масала.** Июнь ойида №138 гувоҳномага асосан ташкилотнинг бошқа ташкилотга қарашли бўлган акциялари товар-фонд биржасида сотилди.

Гувоҳномада кўрсатилишича:

Акцияни сотиш қиймати - 8000

Аукционда хизматлар учун тўлов - 1600

Бухгалтерия ҳисоби маълумоти бўйича акция қиймати - 1800

Ташкилот бухгалтерия ҳисобида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари қилинган:

Д-т 5010 К-т 0610 - 6400

Д-т 0610 К-т 9320 - 4600

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг ва ҳолатга баҳо беринг.



**3-масала.** Корхона қимматли қоғозлар сотиб олиш мақсадида уч ойга йиллик ставкаси 55% 300000 сўм кредит олди. Револиялаштириш ставкаси 60%.

Тўланиши шарт бўлган кредитдан фойдаланиш фоиз суммаси куйидагича ҳисобланган.

$$300000 \cdot 55\% / 12 \times 3 = 41250$$

Қимматли қоғозлар 300000 сўмга сотиб олинган бухгалтерияда куйидагича проводкалар берилган.

Д-т 5110 К-т 6810 300000 Олинган кредит суммасига

Д-т 0610 К-т 5110 300000 Киришга олинган акцияларга тўланган сумма

Д-т 9439 К-т 6810 41250 Кредит фоизи ҳисобланган

Д-т 6810 К-т 5110 41250 Кредит фоизи тўлаб берилган

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг ва ҳолатга баҳо беринг.

**4-масала.** Компания бошқа компанияга тегишли облигацияларни 10000000 сумга сотиб олди. Уларнинг номинал киймати 8500000 сум Облигациялар буйича йиллик 20 % даромад ҳар 6 ойда тулаб берилишига келишилган. Облигацияни сотиб олиш ва номинал киймати уртасидаги фарк 10000000-8500000--1500000 сум Муомала даври- 5-йил

Облигацияни сотиб олиш;

Дт-0610 "Қимматли қоғозлар"-10000000 сум,

Кт-5110 "Ҳисоб-китоб счёти"-10000000 сум

Ярим йилдан сунг облигациянинг йиллик ставкасининг ярми миқдорида даромад олинган ( $8500000 \cdot 10\%$ ) 850000 сум

ДТ-4010-"Олинган дивидент"-850000 сум,

КТ 4610-"Дивидент курунишидаги даромад"- 850000 сум

Бир вақтнинг узида облигацияни сотиб олиш ва номинал киймати уртасидаги фарк амортизацияланди, ( $1500000 \cdot 10\%$ )-150000 сум

ДТ-9430-"Фоиз курунишидаги харажат"-150000 сум,

КТ-0610-"Қимматли қоғозлар"-150000 сум.

Топширик. Юқоридаги муомалалар компания бухгалтери томонидан тўғри расмийлаштирилганини текширинг ва аудиторлик хулосасини беринг

**5-масала.** Корхона аввал сотиб олган облигацияни бошқа корхонага сотди баланс киймати-5000000 сум ,сотиш киймати —4200000 сум. Ушбу муомалалар куйидагича бухгалтерия проводкаси берилган:

Облигацияни сотишдан тушган тушум;

ДТ-5110-“ҳисоб-китоб счёти” 4200000 сум,  
КТ-9220-“Бошка активларнинг сотилиши ва чикиб кетиши” 4200000 сум;

Облигацияларни баланс киймати ҳисобдан чиқарилди:  
ДТ 9220-“Бошка активларнинг сотилиши ва чикиб кетимши 4200000 сум,

КТ 0160-“Кимматли қоғозлар”-4200000 сум;

Сотишдан олинган зарар (фойда) аниқланди:

ДТ 9610-“фоиз қуринишидаги харажат “-800000 сум,

КТ 9210-“активларнинг сотилиши”-800000 сум.

Топширик. Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар туғри ҳисобга олинганини текширинг ва аудиторлик ҳулосасини беринг.

**6-масала.** Корхона сотиб олган акцияларининг киймати 10000000.сум,номинал киймати эса 8250000 сум, узиш муддати 5 йил. Акция буйича ҳар йили 20% даромад олинади. Бухгалтерия ҳисобида куйидагича бухгалтерия ёзувлари қилинган.

Акция сотиб олинганида:

ДТ 0610-“қимматли қоғозлар”-10000000 сум

КТ 5110-“Ҳисоб китоб счёти”-10000000 сум,

Ҳар йили даромад ҳисобга олиними,

ДТ-5110-“Ҳисоб китоб счёти”-1650000 сум,

КТ-4010-“Олинаниган счётлар”-1650000 сум.

Топширик. Юқоридаги муомалалар туғри ҳисобга олинганини текширинг ва аудиторлик ҳисоботини тузинг.

## **7-амалий машғулот.**

### **7-масала.**

Корхона 200000000 сумлик акцияларини муомалага чиқарди. . Акцияларни фонд биржаси орқали сотиш натижасида қушимча 1500000 сум харажат қилди. Йил охирида молиявий фаолият буйича қилинган харажатлар ва олинган даромадлар буйича ҳисоб—китоблар корхонада биричи мартаба амалга оширилаётганлиги сабабли бухгалтер аудиторлик ташлилотини хизмат курсатиш учун ёллади ва ушбу хизмат учун ҳам 1000000 сум туланди.

Топширик.Юқоридаги маълумотлар асосида аўтор аудиторлик хизматини курсатиш жараёнида қандай бухгалтерия провотқалари берган ва қайси ҳужжатларда акс этирган.

## **8-амалий машғулот.**

**8-масала.** Аудитор текширув вақтида 22 11 2008 йилда сотиб олиган компанияда ҳисобга олинмай қолган куйидаги ҳолатни аниқлади.

Аудиторлик текширув вақти 25.03.2009 й Компания сотиб олган акциялари қиймати 6000000 сум номинал қиймати эса 5000000 сум ,узиш муддати 10 йил . Акция буйича ҳар йили 10 % даромад олиган

Топширик Юқоридаги муомала буйича бухгалтерия проводкасини беринг .ҳамда номинал қиймат уртасидаги фарқни амартизацияланг ва аудиторлик ҳисоботини тузинг.

**1-масала.** Корхона 1 400 000 сўмга акцияларни харид қилди . Акцияларнинг номинал қиймати 1 100 000 сўм . Корхона акцияларининг ушбу пакети 13 ойдан кейин сотишни режалаштирган .

Акцияларнинг харид нархи ва номинал қиймати орасидаги фарқ 300 000 сўм (1400-1100) 13 ой мобайнида тенг улушлар билан ҳисобдан чиқарилади ҳамда корхонанинг молиявий фаолияти буйича харажатлар сифатида этироф этилади.(ХТН 3.6 банди).

Бухгалтерияда қуйидагича ёзувлар қилинган;

1)Акция харид қилинди Дт 0610 Кт 5110 1 400 000

2)Номинал ва харид қиймат орасидаги фарқ бир меъёрда ҳисобдан чиқарилди .

Дт 6990 Кт 0610 23100

Агар корхона томонидан харид қилинган акцияларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан паст бўлса ,унда харид қилиш пайтидан сўндириш пайтигача бўлган давр мобайнида харид ва номинал қийматлар орасидаги фарқ суммасини кўшимча ҳисоблаш амалга оширилади .

*Топширик, Юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганини текширинг,ҳамда аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.*

**2-масала** Корхона акцияларини номинал қиймати буйича 1500 000 сўмга харид қилди Олинган акциялар ўрнига 1500 000 сўмни ташкил қиладиган янги нусха кўчирувчи ускуна берилди Бухгалтерияда қуйидагича ҳисобга олинган .

1)Нусха кўчирувчи ускунанинг қиймати ҳисобдан чиқарилди ,

Дт 9210 Кт 0140 1500000

2) Акциялар харид қилинди,

Дт 0610 Кт 9210 1500000

*Топширик Юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганини текширинг ва аудиторлик ҳисоботи учун малумот тайёрланг.*

**3—масала.** Корхона “А” таъсисчидан устав капиталига улуш сифатида акцияларни олди . Таъсисчининг келишувига кўра номинал қиймати 1050000 сўм бўлган акциялар 1400 000 сўмга баҳоланди . Бухгалтерияда қуйидагича ёзувлар амалга оширилган .

1)“А” таъсисчининг устав капиталига бўлган қарзи акс этирилди ;

Дт 4610 Кт 8310,8320 1400000

2) Устав капиталига улуш ҳисобига акцияларнинг келиб тушиши акс эттирилди ;

Дт 0610 Кт 4610 1400000

Устав капиталига улуш ҳисобига олинган акцияларнинг қиймати уларнинг номинал қийматидан фарқ қилганлигини ҳисобга олган ҳолда ,корхона улуш акцияларининг бозор баҳоси ва уларнинг номинал қиймати орасидаги фарқ ҳисобдан чиқариладиган даврни белгиланг.

*Топшириқ Юқоридаги муомалалар қонунчиликка тўғри ҳисобга олинганини текширинг ва аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.*

**4—масала.** Умумбелгиланган солиқларини тўловчи корхона томонидан ҳады шартномаси бўйича 2 000 000 сўм суммада номинал қиймат бўйича акциялар олинди .

Ушбу муомалалар бухгалтер томонидан қуйидагича ҳисобга олинган .

1) Ҳады шартномаси бўйича олинган акциялар кирим қилинди ,

Дт 0610 Кт 8530 2 000 000 ,

2) Фойда солиғи ҳисоблаб ёзилди.(2000000\*10%)

Дт 9810 Кт 6610 200 000

*Топшириқ Юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганини текширинг ва аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.*

**5-масала.** Корхона таъсисчилари билан келишилган ҳолда акцияларни бозор қиймати бўйича 1 400 000 сўм устав капиталига улуш сифатида беради. Номинал қиймати бўйича акциялар пакетининг нархи 1050 000 сўм .

*Топшириқ Ушбу муомалалар бўйича бухгалтерга бухгалтерияда ҳисобга олинишида аудитор сифатида амалий ёрдам кўрсатинг..*

**6- масала.** Ягона солиқ тўловчи корхона томонидан ҳады шартномаси бўйича номинал қиймати бўйича 1400000 сўмлик акциялар текинга олинди Корхонанинг бухгалтерия ҳисобида текинга берилган акциялар қуйидаги тарзда акс эттирилган .

1) Акциянинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилади

Дт 9220 Кт 0610 1600000

2) Ҳады шартномаси бўйича акцияларни текинга беришда акс эттирилиши

Дт 4010 9430 Кт 9220 4010 , 1600 000,

*Топшириқ Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганини текширинг.*

**7-масала.** Корхона томонидан 640 000 сўмга акциялар сотилади .Сотилган қимматли қоғозларнинг баланс қиймати 600 000 сўмни ташкил этади

Сотилган қимматли қоғозлар бухгалтер томонидан қуйидагича акс эттирилган,

- 1) Сотилган қимматли қоғозларнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди ,  
Дт 9220 Кт 0610 600 000
- 2) Қимматли қоғозларни сотишда олинган даромад акс эттирилди ,  
Дт 4010 Кт 9220 640 000
- 3) Қимматли қоғозларни сотишдан молиявий натижа аниқланди,  
Дт 9220 Кт 9320 40 000

*Топшириқ Юқоридаги муомаларни тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг ва аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.*

**8—масала.** Корхона таъсисчилари билан келишилган ҳолда акцияларни бозор қиймати бўйича устав капиталига улуш ҳисобида беради. Номинал қиймати бўйича акциялар пакетининг қиймати 850 000 сўм . Берилаётган акциялар пакетининг бозор қиймати 1400 000 сўмни ташкил этади

*Топшириқ Юқоридаги муомалаларни бухгалтерияда ҳисобга олиш учун бухгалтерга аудитор сифатида амалий ёрдам кўрсатинг.*

**9 масала.** Корхона чет ташкилот кучи билан цех қурмоқда . Бунинг учун қурилиш ташкилоти билан пудрат шартномаси тузилди .Шартномага кўра пудрат ташкилоти объектни зарур материаллар билан таминлаши ,шунингдек уларнинг сақланиши ва қурилиш объектигача ташилишини ташкил қилиши керак . Буюртмачининг ўз омборида пудрат ташкилотига бериш мажбуриятини олган 3 000 000 сўмлик суммадаги материаллар,шу жумладан ҚҚС-500 000 сўм мавжуд .

Пудратчи учун цехнинг умумий смета қиймати 70 млн сўм (ҚҚС билан бирга ) Буюртмачи объектни 70 млн сўмлик қиймат бўйича кирим қилади.

*Топшириқ Аудитор сифатида корхона бухгалтерига амалий ёрдам кўрсатинг ҳамда аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.*

## 16-МАВЗУ: ТОВАР-МОДДИЙ ЗАҲИРАЛАР АУДИТИ

**Аудитнинг мақсади.** Балансдаги материал қийматлар «Ишлаб чиқариш заҳиралари» (Материаллар, инвентар ва хўжалик жиҳозлари, тайёр маҳсулот, товарлар) моддаси бўйича кўрсаткичларни ишончлилигини текшириш ва бу кўрсаткичларни бош дафтардаги, журнал-ордерлар ва бошқа бухгалтерия ҳисоби регистларидаги маълумотлар билан боғлиқлигини аниқлаш.

### **Ишлаб чиқариш заҳиралари аудитининг асосий вазифалари:**

1. Ишлаб чиқариш заҳиралари мавжудлигини ва сақланиш ҳолатини текшириш.
2. Ишлаб чиқариш заҳиралари ҳаракатини ҳужжатларда расмийлаштирилишини текшириш.
3. Ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисоб баҳосини шаклланишини тўғрилигини текшириш.
4. Ишлаб чиқариш заҳираларини тўлиқлиги ва ўз вақтида киримга олинишини текшириш.
5. Ишлаб чиқариш заҳираларини ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларга сарфланишини текшириш.
6. Тайёр маҳсулотлар ва жўнатилган товарларни тўғри баҳоланишини текшириш.
7. Ишлаб чиқариш заҳираларини ҳаракатини текшириш.

**Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг:** ТМЗ, унинг таркиби, ҳақиқий таннарх, инвентар карточкалар, лимит-забор карталари, талабномалар, материал ҳисобот, хўжалик шартномалари, ишончномалар, ТМЗларнинг камомоди ва нобудгарчилиги, тугалланмаган ишлаб чиқариш.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Материал қийматликларни текширишда қандай меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилади?
2. Тўғри баҳолаш қандай белгиланади:
  - материалларга;
  - товарларга;
  - инвентар ва хўжалик жиҳозларига?
3. Инвентар ва хўжалик жиҳозларининг киримга олиниши ва ҳисобдан чиқарилишини тўғрилигини текшириш қандай амалга оширилади?
4. Инвентар ва хўжалик жиҳозларига эскириш ҳисобланадими?
5. Материал ресурсларни мавжудлиги ва сақланишини тўғрилигини қандай текширилади?
6. Ишлаб чиқариш заҳираларининг ҳаракати бўйича муомалаларни ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилишини текшириш қандай амалга оширилади?

7. Ишлаб чиқариш захираларидан келган камомад ва нобудгарчиликларни ҳисобдан чиқарилиши бўйича муомалаларнинг тўғри акс эттирилганлигини текшириш қандай амалга оширилади?

8. Ишлаб чиқариш захираларининг аудитини текшириш манбалари бўлиб қайси дастлаб ҳужжатлар ва бухгалтерия счётлари ҳисобланади?

9. Ишлаб чиқариш захираларининг инвентаризация натижалари қандай расмийлаштирилади ва унда кимлар иштирок этишлари лозим?

10. Тугалланмаган ишлаб чиқаришларни текшириш қандай амалга оширилади?

**1-масала.** Шакар ишлаб чиқариш заводидан темир йўл орқали улгуржи савдо ташкилотига 25 тонна шакар жқнатилган. Юк ортилган вагон белгиланган станцияга 21.12.да келган ва юкларни туширишга берилган. Шакарни қабул қилиш пайтида 23.12 куни далолатнома расмийлаштирилиб, комиссия таркибига омбор мудир Низомов Т. ва Эгамов О., бухгалтер Қосимов Н.лар киритилган. Далолатномада кўрсатилишича мол етказиб берувчининг ҳужжатига мувофиқ 25000 кг шакар, ҳар бир килограмми 120 сўм дан умумий суммаси 3000000 сўмни ташкил қилади. Шакарни тортиб кўрилганда 150 кг шакар суммаси 18000 сўм кам келганлиги кўрсатилган. Қабул қилиш далолатномасига асосан 24850 кг шакар бухгалтерияда киримга олинган. Камомад суммаси 2010 «Ишлаб чиқариш харажатлари» счётига ҳисобдан чиқарилган. Далолатнома ҳеч ким томонидан тасдиқланмаган. Шакарни ташиш пайтидаги табиий камайиши нормаси 0,15%.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг ва ҳолатга баҳо беринг.

**2-масала.** Корхона ўзида ишлаб чиқарилган оқ кийимларни болалар уйига ҳайр-саҳоват сифатида топширди. Бу муомала бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этган.

Д-т 9439 К-т 2810 60000

Бу ҳақиқий таннарх бўйича.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг ва ҳолатга баҳо беринг.

**3-масала.** Улгуржи савдо ташкилоти товарларни ҳайр саҳоват мақсадида мактаб интернатида берди. Улгуржи савдо ташкилоти бухгалтерия ҳисобида бу муомала қуйидагича акс этган.

Д-т 9439 К-т 2910 130000 ҳисобга олинган баҳода.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг ва ҳолатга баҳо беринг.

**4-масала.** Корхона томонидан хайр эхсон мақсадида болалар касалхонасига дорилар берилди. Бу муомала бўйича сумма чакана баҳо 300000 сўм, савдо устамаси 30% ҚҚС10% ва қуйидагича проводка берилган.

Д-т 8530 К-т 4110 300000

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг ва ҳолатга баҳо беринг.

**5-масала.** Аудиторлик текшируви жараёнида аудитор қуйидагиларни аниқлади:

Ҳисобот даври бошига материаллар қолдиғи 2000 минг сўм бўлиб, ҳисобот даврида асосий ишлаб чиқариш учун 1000 минг сўмлик, ёрдамчи ишлаб чиқаришга 200 минг сўмлик, транспорт воситаларининг ремонт учун 50 минг сўмлик, бошқарув эҳтиёжлари учун 10 минг сўмлик, ётоқхонани таъмирлаш учун 70 минг сўмлик материал сарфланган. Ушбу муомалаларни акс эттириш учун бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар килинган:

Д-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» 1000 минг сум

Д-т 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» 200 минг сум

Д-т 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» 60 минг сум

Д-т 9410 «Сотиш харажатлари» 70 минг сум

Д-т 9420 «Маъмурий-бошқарув харажатлари» 180 минг сум

К-т 1000 «Материаллар» 1330 минг сум.

**Талаб қилинади:** Материалларни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ нотўғри бухгалтерия проводкаларини аниқланг. Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

### **1-Масала.**

Корхона мол етказиб берувчидан 270000 сумлик (ккс 45000) қурилиш материаллари сотиб олди .шартномада 45% олдиндан тулов назарда тутилган .колган сумма 2 ойга кечиктирилади.толов муддати кечиккани учун кечиктирилган сумманинг 7% микторида ҳақ толанади.

1. ДТ 4310 КТ 5110-21500

2. ДТ 1050 КТ 6010-225000

3. ДТ 4410 КТ 6010-45000

4. ДТ 6010 КТ 5110-148500

5. ДТ 9610 КТ 6920-10395

6. ДТ 6920 КТ 5110-10395



Топширик: Юкоридаг муомлалар туғри ва тулик ҳисобга олинганини текширинг ва аудиторлик ҳисоботини тузинг.

## **2-Масала.**

Масуляти чекланган жамиятнинг тасис шартномасида назарда тутилишича ,тасисчилар устав капиталига улуш сифатида ТМЗ ларни киритган.

“А”Тасисчи 70000 сум (ккс 11667 с)лик курилиш материаллари;

“Б”Тасисчи 95000 сумлик товар киритган.

1. ДТ 1050 КТ 8330-165000

2. ДТ 4410 КТ 6410-11667

Ушбу бухгалтерия утказмаларида кандай хатоликлар мавжуд ,улар кандай аникланади.

## **3-Масала.**

Корхона бошка бир корхонадан текинга 36000сумлик материал олди. Олинган материаллар учун кай тартибда солик тулайди.

ДТ1010 Кт8530 36000

Солик туланишини бухгалтерияда проводкасида курсатинг.

## **4-Масала.**

Корхона карз шартномаси буйича (фоизсиз) 1600000 сум (жумладан): ККС – 267000 сум) лик материаллар олди. Карз муддати тугагач шу кийматга тенг материаллар карз берувчига кайтарилади (ККСбилан)

ДТ 4410 267000

ДТ 1010 1333000

КТ 6820 1600000

Карз муддати тугагач бухгалтерия утказмалари берилсин.

## **5-Масала.**

Корхона уз ходимига хисобот бериш шarti билан вакиллик тадбирларини утказиш учун 70000 сум берди

Ходим ушбу пулга бозордан 75000 сум кийматга эга полиз экинлари сотиб олди корхона бухгалтериясига булган хисоботни такдим этди.

1. ДТ 4230 КТ 5010-70000

2. ДТ 1090-75000

КТ 4230-70000

КТ 6970-5000

Ушбу жараён аудит утказиш боскичларининг кай бирида куриб чикилади ва фойдаланилган аудит манбааларини келтиринг.

## **6-Масала.**

Корхона 273000 сумлик эхтиёт кист сотиб олди материаллар хисоби хакикий таннарх буйича олиб борилди. Жумладан ККС-47000 материаллар хакикий таннархи 226000 сум эхтиёт кист кандай хужжат асосида кирим килинади? Бухгалтерия утказмаси берилсин пулни тулаб берилсин.

## **7-Масала.**

Тукимачилик корхонаси май ойида буёк сотиб олиш ва сарфлаш буйича куйидаги операциялар амалга оширган.

- 2-майда 1 кг учун 1200 сумдан 100 кг буёк олинди;
  - 9-майда 1 кг учун 1170 сумдан 300 кг буёк олинди;
  - 12-майда ишлаб чикаришга 210 кг буёк сарфланди;
  - 20-майда 140 кг буёк сарфланди;
  - 25-майдан 1 кг учун 1230 сумдан 500 кг буёк олинди;
  - Корхонада 1-май холатига буёк захираси булмаган Корхона узликсиз хисоб тизимидан фодаланади;
- Бухгалтерияга хисоб юритишда ёрдам беринг.  
Аудитор ушбу жараёнда кайси хужжатлардан фойдаланади.

## **8-Масала.**

Корхона объект курилиши учун олган матариалларнинг колганининг 730000 га сотди.

Жумладан ККС 122000 сум.

Ушбу материалларнинг таннархи 560000 сумни ташкил килади.

ДТ 5110 КТ 6310-730000

ДТ 4010 КТ 9220-730000

ДТ 6310 КТ 4010-730000

ДТ 9220 КТ 1050-560000

ДТ 9220 КТ 6410-122000

Дт 9220 КТ 9320-48000

Ушбу бухгалтерия утказмалари кандай хужжатларга асосланган?

## **9-Масала.**

Корхона материаллар кийматини хисоб бахоси буйича акс эттиради. Октябр бошидаги холатга кура куйидагилар хисобда турган;

- омбордаги материал колдиги -600000 сум.
- 1610 счётнинг кредитидаги салдо 80000.
- Октябрда хисоб бахоси буйича 800000 сумлик материаллар кирим килинди. Мол етказиб берувчилар хисоб-китоб хужжатларига кура материалларни таннархи 720000 (ККС 120000 сум) ташкил килади.

Октябрда 1150000 сумлик хисоб бахоси буйича материал асосий ишлаб чиқаришга сарфланди.

ДТ 1010 КТ 1510-800000

ДТ 4410 КТ 6010-120000

ДТ 1510 КТ 1610-200000

Иктисод килинган суммани аниқланг, бухгалтер утказмаларини тулдилинг.

### **10-Масала.**

«Нори Ахмедов Бек Адхам» ф/х чорвачилик Билан шугулланади. 2009 йил, март ойида 6 ойгача булган ёш бир бош бузук корхонанинг айби билан харом улди. Бир бош бузукнинг киймати 200000 сум. Фермада хар 10 бузукка бир ишчи бириктирилган Були, унга 175000 сум микдорда иш хаки белгиланган. Шунингдек, бузукларга яхши карагани учун маълум микдорда мукофот пули хам берилади.

Шунда Ушбу харажатга утказма бериш учун 9430-«бошка операцион харажатлар» счётидан фойдаланган.

Ушбу утказмада бухгалтернинг хотоси ва фойдаланилган ахборот манбаалари.

7-масала Корхона омборига 6 000 000 сўмлик материални келтириш керак Материалларни корхона омборига олиб келиш 300 000 сўм транспорт харажат килинган Ушбу материалларни ишлаб чиқаришга сарфланганида ,материалларни келтириш боғлиқ харажатларни қуйидагича жойлаштирган .  
Дт 9430 Кт 1510

Аудиторлик текшируви пайтида аудитор юқоридаги проводка бўйича камчиликни юз берганини кўрсатиб берган .

Топшириқ Корхона бухгалтери қандай хатоликка йўл қўйилган.

6-масала Корхонага тегишли омбор инвентаризациядан ўтказилганда 125000 сўмлик камомад аниқланди Ушбу омборга 2600 000 сўмлик материал кирим килинганлиги маълум бўлган ,ишлаб чиқаришга 2 100 000 сўмлик материал сарфланган . Омборда 500 000 сўмлик материал бўлиши керак эди . Шу пайтда бухгалтер қуйидагича проводка бериб камомадни ёпган.

Дт 9430 Кт 1010 125000

Лекин омбор мудири Хасанов И камомадни тан олган ва камомадни иш ҳақидан ушлаб қолинишига рози бўлган.

Топшириқ Юқоридаги камомад бўйича проводкалар тшғрилигини текшилинг.

## 17-МАВЗУ: МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШНИНГ АУДИТИ

**Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг:** Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, умумий ишлаб чиқариш харажатлари, бевосита ва билвосита харажатлар, устама харажатлар, маҳсулот таннархини аниқлаш усуллари, ишлаб чиқаришдаги брак, тайёр маҳсулотнинг баҳоланиши ва сақланиши, сотиш билан боғлиқ харажатлар, маҳсулот сотишдан тушган тушум ва соф тушум.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ишлаб чиқариш харажатлари аудитининг олдига қандай мақсад қўйилади?
2. Ишлаб чиқариш харажатлари аудитининг қандай меъёрий асослари ва хусусиятлари мавжуд?
3. Асосий ишлаб чиқариш тармоқларини аудиторлик текширувидан ўтказиш қандай амалга оширилади?
4. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар аудити қандай амалга оширилади?
5. Умумишлаб чиқариш харажатлари аудити қандай амалга оширилади?
6. Маҳсулот таннархи тўғри аниқланганлигини текшириш қандай амалга оширилади?
7. Ишлаб чиқаришдаги брак аудити қандай амалга оширилади?
8. Тайёр маҳсулотни баҳоланишнинг аудити қандай амалга оширилади?
9. Тайёр маҳсулотнинг сақланиши аудити қандай амалга оширилади?
10. Сотиш харажатлари аудити қандай амалга оширилади?
11. Тайёр маҳсулотларни жўнатиш бўйича муомалалар тўғрилигининг аудити қандай амалга оширилади?

**1-масала.** Ишлаб чиқариш корхонасини аудиторлик текширувидан ўтказиш вақтида қуйидагилар аниқланди:

1) Корхона ходимларига медицина хизмати кўрсатиш учун пул тўланган:

Д-т 2510            К-т 5110        3000 минг сўм.

2) Корхона ходимлари фарзандларининг дам олишлари учун лагерга путёвка олинган:

Д-т 9430            К-т 5110        1500 минг сўм.

3) Оборот маблағларини тўлдириш учун олинган қисқа муддатли кредит фоизи тўланган:

Д-т 6810            К-т 5110        74 минг сўм.

4) 8- март «Хотин-қизлар байрами» муносабати билан совға олинган

Д-т 9420            К-т 5010        270 минг сум.

**Талаб қилинади:** Харажатларни ҳисобга олишдаги хатоликларни аниқланг.

**2-масала.** Аудитор томонидан ускунани монтаж қилиш учун сарфланган харажатларни ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритилганлиги аниқланди. Ушбу монтаж ишлари монтаж қилувчи ташкилот томонидан бажарилган бўлиб, ушбу монтаж амалдаги асосий воситаларни реконструкция (модернизация) қилиш ишлари таркибига киритилади.

**Талаб қилинади:** Бу ҳолатда қандай меъёрий ҳужжат бузилган? Хатонинг сабабини аниқланг ва ушбу муомалаларни акс эттирувчи бухгалтерия проводкаларини беринг.

### **Масала №11**

“Адолат” компанияси ўз миқдори “Бек” компаниясига товарлар учун 10 кун ичида тўловни амалга ошириш шarti тбиан 5% ли чегирмани таклиф этган. тўловнинг энг узок муддати 30 кун. шартномага мувофиқ харидор компанияга “Адолат” компанияси томонидан товарлар 1 июлда жўнатилган. тўловнинг дастлабки суммаси 10000 ташкил қилган. Бунда “Адолат” компанияси бош бухгалтери томонидан қуйидаги ёзувлар берилган:

1 июль ҳолатига Дт 4010- 10000

Кт 9020- 10000

Дт 9120-9000

Кт 2910-9000 ёзуви берилган.

Текширув натижаларига кўра харидор томонидан тўлов 9 июлда ўтказилган ва унга бухгалтер томонидан қуйидагича ўтказма берган:

Дт 5110-10000

Кт 4010-10000

**Топшириқ** Юқоридаги маълумотлар асосида тўғри бухгалтерия проводкаларини тўғрилигини текширинг ва аудиторлик Ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

### **Масала №12**

“Флауэр” компанияси шубҳали қарзлардан зарарлар ва кредитга соф сотиш орасидаги фоиз нисбатига асосланиб, ўзининг қайтарилмайдиган ҳисобварақларини баҳолайди. 2004 йилда “Флауэр” компанияси 4450 минг миқдорда савдо қилган. савдонинг 70% кредитга амалга оширилган. Олдинга тажриба кредитга сотишнинг 3% тўланмайдиганлиги кўрсатади. бош бухгалтер томонидан товарлар сотилганди қуйидаги праводка берилган:

Дт 4010 – 4450000

Кт 9010 - 4450000

Компаениянинг ундир олмайдиган қарзларини акс эттириш учун қуйидагича правоўдка берилган:

Дт 4910 – 133500

Кт 9430 – 133500

**Топширик** Юқоридаги маълумотлар асосида тўғри бухгалтерия проводкаларини тўғрилигини текширинг ва аудиторлик Ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

## 18-МАВЗУ: ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ АУДИТИ

**Аудитнинг мақсади:** Пул маблағлари бўйича амалга оширилган хўжалик муомалаларини қонуний, ишончли ва хўжалик учун мақсадли тартибда ташкил қилиш.

### **Касса муомалалари аудитининг асосий вазифалари:**

1. Кассадаги нақд пул маблағларини сақлаш шароитини текшириш.
2. Кассадан нақд пуллар кирими ва чиқимини расмийлаштирувчи дастлабки ҳужжатларни тўғрилигини текшириш.
3. Касса муомалаларини юритиш тартибини текшириш.
4. Касса муомалалари ҳисоби, касса дафтари ва аналитик ҳисоб маълумотларини текшириш.
5. Банкдан юридик ва жисмоний шахслардан кассага кирим қилинган нақд пулларни тўлиқлиги ва ўз вақтида киримга олинишини текшириш.

**Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг:** Касса кирим ва чиқим ордерлари, касса китоби, кассир ҳисоботи, тўлов талабномаси ва топшириқномаси, банк кўчирмаси, инкассо талабномаси, картотека, аккредитивлар, чек дафтарчалари, чет эл валютаси, валюта курсларидан фарқлар.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон республикасида касса муомалаларини юритиш тартиби қайси меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тартибга солиниб турилади?
2. Касса муомалаларини текширишнинг вазифалари ва кетма-кетлиги нималардан иборат?
3. Касса муомалаларини текширишнинг қандай усуллари қўлланилади?
4. Касса қоидаларига риоя қилинишини текширишга нималар киради?
5. Кассадаги нақд пуллар ва қимматли қоғозларни тўғри сақланишини қандай текширилади?
6. Банк муомалаларини текширишнинг вазифалари ва кетма-кетлиги нималардан иборат?
7. Банкдаги счетлар бўйича муомалаларни ишончлилигини ва мақсадга мувофиқлигини текширишда қандай аудиторлик процедураларидан фойдаланилади?
8. Касса ва Банк муомалаларини аудит қилиш учун қайси ҳужжатлар ва бухгалтерия счетлари текшириш манбалари бўлиб ҳисобланади?
9. Юридик ва жисмоний шахсларга нақд пулга маҳсулотлар реализация қилишни текшириш тартиби қандай амалга оширилади?
10. Ҳисобдор шахсларга берилган нақд пулларни текшириш тартиби қандай амалга оширилади?
11. Касса муомалаларини расмийлаштириш тартибини текшириш қандай амалга оширилади?

12. Кассадан бериладиган нақд пулларни назорат қилиш қандай амалга оширилади?
13. Касса давтарини юритиш тартиби ва нақд пулларни сақлашни тўғрилигини назорат қилиш қандай амалга оширилади?
14. Хорижий валютадаги пулларни қабул қилиш ва тарқатишни назорат қилиш қандай амалга оширилади?
15. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни қайси меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тартибга солиниб турилади?

**1-масала.** 10 февралда савдо ташкилоти бош кассаси инвентаризация қилинди. Бош кассир аудиторлар комиссиясига нақд 125000 сўм борлигини эълон қилди. Касса ҳисоботи маълумоти бўйича шу кун бошига нақд пул қолдиғи 25600 сўм бўлган. 10 феврал куни №151 касса кирим ордери бўйича 1-кассага 30000 сўм пул тушган ва шу сумма кирим қилинган. Шунингдек 2-кассага тушган 27000 сўм № 152 касса кирим ордери бўйича кирим қилинган. 10 февралдаги №137 касса чиқим ордери бўйича банкка 44800 сўм топширилган.

Бош кассир қуйидаги шахсларга маошгача пул берганлигини тушунтириш хатида кўрсатиб ўтган:

Сотувчи Ҳамидова С.Г.га 55000 сўм.

Ишчи Аҳмедова А.Ш.га 40000 сўм.

Кассир Абдуллаева Л.А. 35000 сўм

Кассир фикри бўйича бу суммалар иш ҳақи бериладиган кун юқоридаги шахслардан ушлаб қолинади.

**Талаб қилинади:** Инвентаризация билан боғлиқ тадбирларни амалга оширинг. Холатга баҳо беринг.

**2-масала.** Банк томонидан корхона кассасига нақд пул қолдиғи меъёри 20000 сўм қилиб белгиланган. Текширилаётган давр мобайнида 5010-«Касса» счёти бўйича регистрда ҳамда касса ҳисоботида нақд пул қолдиғи кўрсатилган.

1-февралда	35000
18-февралда	760000
1-мартда	220000
1-апрелда	286500
15-апрелда	148700
2-майда	137000
15-майда	128000
5-июнда	472700
1-июлда	127000
10-июлда	168000
1-августда	113000
10-сентябрда	157000
10-октябрда	158000



12-декабрда 158000

Савдо корхоналари учун иш ҳақи бериш санаси ҳар ой учинчи ёки ун еттинчи куни қилиб белгиланган.

**Талаб қилинади:** Кассада инвентаризация коидалари бузилган ёки йўқлигини аниқланг?

**Аудитнинг мақсади:** Хорижий валютада ифодаланган мулклар ва мажбуриятлар ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларини меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тарзда ташкил қилиш.

1. Хорижий валюта бўйича ҳисобот кўрсаткичларини ҳаққонийлигини текшириш.

2. Хорижий валюта муомалалари ҳисоби тўлиқлиги, тўғрилиги ва уларнинг ҳужжатларда тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

3. Хорижий валюта ҳисоби меъёрларига амал қилинаётганлигини текшириш.

4. Хорижий валюта муомалалари бўйича бухгалтерия ҳисоби регистрлари тўғри юритилаётганлигини текшириш.

**1-Масала.** 6-феврал куни корхона валюта счётига & 1000 долл. умумий сўмдаги қиймати 240000 сўм тушди. Бухгалтерия ҳисобида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари қилинган:

Д-т 5220 - 240000

К-т 9010 - 240000

& 700 долл. 169000 сўм учун жорий йилнинг 24 февралда аналогик ёзув қилинди. Валюта счёти бўйича банк кўчирмасига ҳеч қандай ҳужжат илова қилинмаган.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтерии томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**2-Масала.** Апрель ойида корхонада 400 долл. валюта сотилди. Бу муомала корхона бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилган.

1. Реализация қилинган валюта суммаси жорий счётидан ҳисобдан чиқарилди.

Д-т 5710 23840

К-т 5220 23840

2. Реализация қилинган валюта суммаси бўйича ҳисоб-китоб счётига пул кириш қилинди.

Д-т 5110 24000

К-т 5720 24000

3. Валюта сотилгани учун банкнинг комиссия хизмат ҳақи ҳисобдан чиқарилди.

Д-т 9439 265

К-т 5110 265

4. Валютани сотиш бўйича фойда суммаси акс эттирилди.

Д-т 5720 160

К-т 9220 160

Д-т 9220 160

К-т 9320 160

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**3-Масала.** Контракт бўйича Полшага 6120 долл.га ускуналар сотилди. Валютага сотилган асосий воситалар бўйича бухгалтерия ҳисобида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари қилинган:

1. Д-т 9210 400000      К-т 0130 400000

2. Д-т 0230 392000      К-т 9210 392000

3. Д-т 4010 979200      К-т 9210 979200

4. Д-т 4710 195840      К-т 6410 195840

Харидор тўловни икки марта амалга оширади.

1) 15.08. санада 35000 долл. 868000 сўм. Шу санада 1 долл.= 24,8 сўм.

2) 06.09. санада 5000 долл. 126000 сўм. Шу санада 1 долл. = 25,2 сўм.

Ускуна жўнатиш қабул-топшириш акти бўйича 10.09.да амалга оширилди. Шу санада долл. курси 25,4 сўмни ташкил этган.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**4-Масала.** Аудитор бош дафтар ва касса дафтарини счётлари оборотларини текшириб бир неча хўжалик муомалаларига ойдинлик киритди. Бош дафтар ҳамда касса дафтарида қуйидагича проводкалар келтирилган.

Д-т 5010    К-т 2310

Д-т 5010    К-т 9030

Бошланғич ҳужжатлар ва унга илова ҳужжатларида кассага нақд пул тушганлиги маълум бўлди. Нақд пул қуйидагилар учун тушган.

А) Корхона автотранспортларидан фойдаланганлик учун 8500 сўм;

Б) Омборда баъзи товарларни сақлаганлиги учун 12000 сўм;

С) Ортиш тушириш хизматлари учун 10800 сўм.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**5-Масала.** Корхона ҳисоб сиёсати буйруғига асосан реализация бўйича тушум фақатгина маҳсулот жқнатилганда 21-мартда чет эллик харидорга 5000 долл.га счёт ёзилди. Шу санада 1 долл.=248 сўмга тенг бўлган. Бухгалтерия ҳисобида қуйидагича бухгалтерия ёзуви қилинган.

Д-т 4310    К-т 9220    1240000

Ҳақиқатда маҳсулот 5-апрелда ортиб жўнатилган. Шу санада 1долл. =248,55 сўмга тенг бўлган.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**6-Масала.** Бухгалтерия ҳисоби регистрида 5010-счёт бўйича ҳисобот йилида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари қилинган:

Сана	Муомала мазмуни	Счётлар корреспонденцияси				Жорий қолдик
		Дебет		Кредит		
		Ссчёт	Сумма	счёт	сумма	
25.01	Мижозлар томонидан ксероксдан фойдаланилди	5510	18000	2010	18000	201000 219000
25.01	Материаллар сотилди	5510	10800	10	10800	327000

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

## 19-МАВЗУ: ҲИСОБ-КИТОБЛАР АУДИТИ

**Аудитнинг мақсади.** Дебитор ва кредиторлик қарзлар бўйича ҳисобот кўрсаткичларини ишончлилиги учун етарли далиллар олиш.

**Ҳисоблашиш ва кредит муомалалари аудитининг асосий вазифалари.**

1. Вақтида ундирилмаган ва корхона томонидан талаб қилмаган қарзлар мавжуд бўлса уларга чора-тадбирлар кўриш ва ундириш чораларини кўриб чиқиш.

2. Ҳисоб маълумотларидаги кредит ва қарзларини ҳужжатларини ва уни реаллигини назорат қилиш.

3. Олинган қарзларни мақсадга мувофиқ ишлатилишини ва уни ўз вақтида қайтарилишини текшириш.

4. Кредитлар бўйича фоизларни тўғри тўланишини назорат қилиш.

5. Олинган кредитларни асослигини ва қонунга мувофиқлигини текшириш.

6. Ҳисоблашиш ва кредит муомалалари бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб юритилишини тўғрилигини текшириш.

**Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг:** Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кредитлар ва уларни олиш шартлари, хизмат сафари учун берилган бўнақлар, харидор ва буюртмачилар, мол етказиб берувчилар, даъволар бўйича ҳисоб-китоблар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар, моддий жавобгар шахслар, таъсисчилар билан ҳисоблашишлар.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Берилган кредитларни таъминланишини текшириш тартиби қандай амалга оширилади?
2. Сафар хизматига жқнатилган ходимлар бўйича ҳисоб-китобларни текшириш тартиби қандай амалга оширилади?
3. Кредит ва қарзлар бўйича муомалаларни текшириш тартиби қандай амалга оширилади?
4. Ҳисоблашиш муомалалари қандай меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солиниб турилади?
5. Ҳисоблашиш ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби қандай?
6. Ҳисоблашиш ва кредит муомалаларни аудит қилишда қандай ҳужжатлар ва бухгалтерия счётлари текшириши манбалари бўлиб хизмат қилади?
7. Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоблашишларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
8. Берилган ва олинган аванслар бўйича ҳисоблашишлар аудитининг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
9. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар аудитининг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?

10. Даъволар бўйича ҳисоблашишларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлар мавжуд?
11. Бюджет билан ҳисоблашишлар аудитининг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
12. Бюджетдан ташқари фондларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
13. Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашишларни текширишнинг қандай хусусиятлари мавжуд?
14. Моддий жавобгар шахслар бўйича ҳисоблашишларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
15. Моддий зарарларни қоплаш бўйича ҳисоблашишларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
16. Таъсисчилар билан ҳисоблашишларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
17. Турли дебитор ва кредиторлар бўйича ҳисоблашишларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
18. Шўъба корхоналар билан ҳисоблашишларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
19. Кредитлардан мақсадли фойдаланишни текшириш қандай амалга оширилади?
20. Банк кредитлари ҳисобининг хусусиятлари қандай?

**1-Масала.** Банк кўчирмаси бўйича 15.10 санада 230000 сўм материаллар учун тўланган қурилиш материаллари базасига тўланган сўмга юк хати илова қилинмаган. Ҳисоб регитрида юқоридаги сумма қуйидагича акс этган.

Д-т 6010 К-т 5110 230000

Материаллар ҳисоби регитрида ҳамда материал ҳисоботида материаллар кирими сўми ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**2-Масала.** Шартнома бўйича корхона келгусида материал етказиб бериш шarti билан 180000 сўм бўнак олди. 6310-«Олинган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар» сўми бўйича регитрда январ ва март ойларида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари қилинган.

Д-т 5110 К-т 6310 180000

Д-т 6310 К-т 6010 180000

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**3-Масала.** 14.03 санадаги №25-сонли касса чиқим ордери бўйича ҳисобот йилида корхона касасидан котиба Муратова К.Н.га 2000 сўм ҳисобдор сумма берилган. Аванс ҳисоботи расмийлаштирилмаган ва кассага пул қайтариб берилмаган. Бухгалтернинг тушунтириши бўйича берилган сумма менеджер Собиров А.Н.га ҳисобдор сумма қилиб бериб юборилган.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**4-Масала.** Корхонада ҳисобот йилида 10.08 куни 109-сонли буйруққа асосан ўзининг ходими Ахмедов Р.С. Фарғона шаҳрига сафар хизматига жўнатилди. Сафар хизмати учун 60000 сўм берилган.

Ахмедов Р.С. сафар хизматидан қайтиб келгандан сўнг аванс ҳисоботи топширган. Аванс ҳисоботи 26.08 куни 58000 сўмга тасдиқланган 2000 минг сўм кассага қайтариб топширилган. Аванс ҳисоботида меҳмонхона квитанцияси 17400 сўм бўлган. қолган хизмат харажатларига тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд.

Шунга мувофиқ бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар қилинган:

Санаси	Муомалалар мазмуни	Ҳужжат	Счётлар корреспонденцияси		Сумма
			Дебет	Кредит	
10.08	Ахмедов Р.С.га сафар хизмати учун ҳисобдор сумма берилган	10 август 109-сонли буйруқ, 94-сонли касса чиқим ордери	6870	5010	60000
26.08	Фойдаланилмаган сафар хизмати суммаси кассага қайтарилган	ҳисоб-китоб расчёти, 185-сонли касса кирим ордери	5010	6870	2000
26.08	Ахмедов Р.С.нинг сафар хизмати харажатлари "Давр харажатларига ҳисобдан чиқарилди".	Аванс ҳисоботи	9429	6870	58000

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**5-Масала.** Оборот ведомостида 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти кредит қолдиғи 500700 сўм. Дебет қолдиғи 70350 сўм. Баланс маълумотлари бўйича мол етказиб берувчилар счёти кредиторлик қарзлари 430350 сўмни ташкил қилган.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**6-Масала.** Корхона бош директор муовинининг Германияда ўқиши учун 2700000 сўм тўлаб берди. Ўқиш учун тўланган сумма унинг йиллик даромадига қўшилмаган. Ўқиш учун тўланган сумма мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланди.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**7-Масала.** Корхона томонидан жорий йилда бинонинг реконструкцияси учун 3 йил муддатга хорижий валютада кредит олинган. Лойиҳа бўйича қтган йилнинг декабр ойида ишлар тугатилган ва объект ишга туширилган. Ҳисобот йилида мазкур шартнома бўйича банк хизмати учун ва унинг фоизи учун тўловларни амалга оширган. Лекин ўтган йилларда олинган кредитор қарзлар ўз вақтида тўлаб берилмаган. Бухгалтерия ҳисобида валюта бўйича кредитлар қуйидагича акс эттирилган:

Д-т 2010 счёт, к-т 5210 счёт - 132000 сўм.

(Шу жумладан 120000 сўм - кредит учун фоиз 12000 сўм - банк хизмати).

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**8-масала.** Ишбай иш ҳақи олиб ишловчи ходим Алиев А. белгиланган ишлаб чиқариш меъёрини 120%га ошириб бажарди. Меъёрни 100% бажарган вақтда тўғри ишбай иш ҳақи учун ойлик иш ҳақи миқдори 200 минг сўм. Корхонанинг Ички Низомига асосан ишлаб чиқариш меъёрини 105%дан юқори бажарган ишчиларга ҳар бир ошириб бажарилган % учун маҳсулот расценкаси 1,4 баробар юқори тўлаш кўзда тутилган. Ушбу ойда ишчи Алиев А.га ҳисобланган иш ҳақи 215 минг сўмни ташкил қилган.

**Талаб қилинади:** Ҳисобланган иш ҳақининг тўғрилигини аниқланг.

**9 масала** “ Тўй-тепа “ текстель қўшма корхонаси декабр ойида ходимларга иш ҳаққи ҳисобланган ва проводка берилмаган .

Проводкалар беринг :

1)Бошқарув ходимларига 2500000 сўм ҳисобланган ,

2)Ишлаб-чиқариш ходимларига 22200000 сўм.

Бошқарув ходимлари сони 6 киши, ҳар бирига тенг миқдорда;

Ишлаб чиқариш ходимлари сони 54-киши ҳар бирига тенг миқдорда иш ҳақи ҳисобланган

**Топшириқ** Юқоридаги муомалаларга бухгалтерия проводкаларини беринг ва иш ҳаққидан даромад солиғи ҳамда мажбурий ишланмаларни ушланг.

**10-масала** “ СУВ махсус-таъмир “ДАЖ да ўтказилган инвентаризация натижасида 25 млн сўмлик ёқилғидан 3 млн сўмлик камомад

аниқланди.Жавобгар шахс таминланмагандан сўнг , давр харажатларга ўтказилди ва қуйидагича проводка берилган .(Табий камайиш миқдори 5%)

Дт 9430 Кт 1050 3 млн

**Топширик** Юқоридаги маълумотлар асосида тўғри бухгалтерия проводкаларини беринг ва аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

**11-масала** Крхонага қабул қилинган янги бухгалтердан ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш ва ундан даромад солиғи ушлаш талаб қилинди ; асосий ишлаб чиқаришдаги 7 кишига 87000 сўмдан , ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги 10 кишига 110 000 сўмдан, бошқарув ходимлари 3 кишига 125000 сўмдан . Бухгалтер қуйидаги проводкаларни берган ;

Дт 2010 ,2310 ,2510. Кт 6710 2100 000 сўм

Дт 2010 2310 2510 Кт 6510 288500 сўм .

**Топширик** Юқоридаги муомалалар бухгалтер томонидан тўғри ҳисобга олинганлигини ва солиқ суммалари тўғрилигини текширинг..



## 20-МАВЗУ: КОРХОНА ХУСУСИЙ КАПИТАЛИ АУДИТИ

**Аудитнинг мақсади.** Устав капиталини шаклланиши тўғрисидаги маълумотларни ҳисоботда тўғрилигини текшириш.

### **Устав капитални аудитининг асосий вазифалари**

1. Устав капиталини меъёрий ҳужжатлар талабаларига мувофиқлигини текшириш.
2. Таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгаришларни текшириш.
3. Устав капиталини шаклланишини тўғрилигини текшириш.
4. Устав капитални бўйича ҳисоб ва ҳисоботини текшириш.

**Қуйидаги атамаларга изох беринг:** Хусусий капитал, унинг таркиби, устав капитал, акциядорлар, акциядорлар реестри, қўшилган капитал, захира капитал, эмиссион даромад, мулкларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар, текинга олинган мулк, келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви, тақсимланмаган фойда.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Устав капитални ва таъсисчилар билан ҳисоблашишларни аудит қилишда қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилади?
2. Устав капитални шакллантиришни текшириш қандай амалга оширилади?
3. Устав капитални ҳисоби ва ҳисоботи аудити қандай ўтказилади?
4. Аудитор таъсис ҳужжатлари билан таништиришида қандай маълумотларни текшириши лозим?
5. Устав капитални аудит қилишда қандай ҳужжатлар ва бухгалтерия счётлари текшириши манбалари бўлиб хизмат қилади?
6. Устав капитални шакллантиришида ва таъсисчилар билан ҳисоблашишларда солиққа тортиш текшириш хусусиятлари қандай амалга оширилади?

**1-масала.** Таъсис шартномасига мувофиқ ташкилотнинг устав капитални бир нечта юридик шахслар томонидан ташкил этилган. Таъсисчилардан бири ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқини ўтказиш йўли билан 2000000 сўм миқдорда 10 йил муддатга ўз хиссасини ққшди.

Бухгалтерия ҳисобида ҳиссаларни расмийлаштириш қуйидагича акс эттирилган.

Д-т 6610 К-т 8310 2000000

Устав капиталга қўшилаётган хиссаси

Д-т 0480 К-т 6610 2000000

Шундай қилиб, янги ташкил этилган ташкилот бу ҳуқуқни ўзининг номоддий активлар таркибига киритади.

2 йилдан сўнг аудиторлик текширувлари давомида аниқланадики, кўрсатилган номоддий актив таъсисчи баланси ҳисобида бўлмаган, бунинг оқибатида таъсисчи уни устав капиталига ҳисса сифатида ўтказишга ҳақли эмас эди.

Ўтган давр учун ушбу номоддий активга Д-т 2010 К-т 0580 проводка орқали амортизация ҳисобланган. Амортизация ажратмалари суммаси 40000 сўмни ташкил этди.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**2-масала.** А ташкилот В корхонанинг устав капиталидаги улуши 25000 минг сўмни ташкил қилади. А ташкилотнинг улушини С корхона 32000 минг сўмга сотиб олди. А ташкилотида бу хўжалик муомалалари куйидагича акс эттирилган.

Д-т 5110 сч., К-т 8330 сч - 25000 минг сўм.

Д-т 5110 сч., К-т 9590 сч - 7000 минг сўм.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**Аудитнинг мақсади.** Фондлар ва резервларни шаклланиши ва улардан фойдаланишни ҳисоби ва ҳисоботини ҳаққонийлигини таъминлаш.

**Аудитнинг асосий вазифалари**

1. Фондлар ва резервларни шаклланиши белгиланган нормаларга мувофиқ келишлигини текшириш.

2. Фондлар ва резервлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини ва қонунийлигини текшириш.

3. Фондлар ва резервлар муомалаларини бухгалтерия счётларида тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Фондлар ва резервларни аудит қилишда қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилади?
2. Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резервини назорат қилиш қандай ташкил этилади?
3. Резерв фондини ташкил қилиш ва ундан фойдаланишнинг қандай қойидалари мавжуд?
4. Даргумон қарзлар бўйича резервлар ҳисобининг ҳолати ва юритиш тартиби қанай текширлади?

Фондлар ва резервлар муомалаларини аудит қилишда қайси ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисоби счётлари текшириш манбалари бўлиб ҳисобланади?

**1-масала.** Ҳисобот йилининг 4 чорагида ташкилот томонидан хоналарни таъмирлаш ишларини ўтказиш учун 900000 сўм миқдорда келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви ҳисоблаб чиқилган. Бу муомала бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилган.

Д-т 2010 К-т 8910 900000

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**2-масала.** Ташкилот сифатида «Жамғариш», «Хусусийлаштирилган инвестицион фонд», «Резерв фонди», «Хайрия», «Саҳоват» каби фондлар яратилди.

Фондларни ташкил этиш тартибини акс эттирувчи ҳужжатлар аудиторга тақдим этилмаган. «Жамғариш» фонди бўйича 9390 счёти дебитида ёзув қилинган. Ҳамда муомалалар қуйидагича акс эттирилган.

Д-т 8910 К-т 6710 860000 иш ҳақиға

Д-т 8710 К-т 8910 200000 ижтимоий соҳалар фондига ажратмалар.

**Талаб қилинади:** Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

**3-масала.** Ташкилотда келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви ташкил этилган.

Йиллик мукофот тўловига;

Таъмирлаш фондини шакллантириш маблағлари жорий ва капитал ремонт бўйича харажатларига ўтказилган.

1-жадвал.

Ҳисоб регистри учети бўйича	Ой бошига қолдиқ		Оборотлар		Ой охирига қолдиқ	
	Д-т	К-т	Д-т	К-т	Д-т	К-т
Январ	-	-	-	-	-	-
Феврал	-	-	32000	32000	-	-
Март	-	32000	-	16000	-	48000
Жами 1-чорак	-	48000	-	48000	-	-
Апрел	-	48000	-	-	-	48000
Май	-	48000	-	36000	-	84000
Июн	-	84000	-	-	-	84000
Жами 2-чорак	-	48000	-	36000	-	84000
Июл	-	84000	-	46000	-	130000
Август	-	130000	-	25000	-	155000
Сентябр	-	155000	-	-	-	155000
Жами 3-чорак	-	84000	-	71000	-	155000
Октябр	-	155000	63000	28000	-	120000
Ноябр	-	120000	51000	-	-	69000
Декабр	-	69000	33000	-	-	36000
Жами 4-чорак	-	155000	147000	28000	-	36000

## 21-МАВЗУ: МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР АУДИТИ

**Аудитнинг мақсади.** Сотишдан тушган тушум кўрсаткичларини ҳисоботда акс эттирилишини ишончилигига баҳо бериш.

1. Маҳсулот (иш, хизматлар) реализацияси бўйича муомалаларни ҳужжатларда тўғри акс эттириш ҳамда тўлиқлигини текшириш.

2. Маҳсулот (иш, хизматлар) реализацияси аналитик ва синтетик ҳисоби юритилиши тўғрилигини текшириш.

3. Товар ва хизматлар баҳоси тўғри шаклланганлигини текшириш.

4. Сотилган маҳсулот таннархини тўғри акс эттирилишини текшириш.

5. Маҳсулот реализацияси муомалаларини солиқ қонунчилигига мувофиқлигини текшириш.

**Қуйидаги атамаларга изох беринг:** Маҳсулот сотишдан тушган тушум, асосий фаолият фойдаси, умумхўжалик фойдаси, молиявий фаолият бўйича даромад ва харажатлар, фавқулодда фойда ва зарарлар, солиқ тўлагунга қадар фойда, солиқ базаси, солиқ ва бухгалтерия фойдаси, соф фойда.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Молиявий натижаларни аудит қилишда фойдаланиладиган асосий меъёрий ҳужжатларни келтиринг?
2. Харажатларни аудит қилиш қандай ташкил этилади?
3. Ишлаб чиқариш харажатларига ва маҳсулотлар (иш, хизматлар) таннархига киртиладиган харажатларни тўғри аниқлашни қандай текширилади?
4. Операцион даромадлар ва харажатларни шакллантиришни тўғри текшириш қандай амалга оширилади?
5. Реалициядан ташқари даромадлар ва харажатларни тартибини текшириш қандай амалга оширилади?
6. Корхоналар фаолияти молиявий натижаларни шакллантириш ва фойданинг ишлатилиши қандай текширилади?
7. Харажатлар, Тушумилар ва реализациядан ташқари даромадлар ва харажатларни аудит қилишда қайси ҳужжатлар ва бухгалтерия сўтлари текшириш манбалари бўлиб ҳисобланади?
8. Харажатлар сўтетининг аналитик амалга оширилади?
9. 9000, 9600 "Асосий (операцияли) фаолиятдан олинадиган даромадлар" ва "Молиявий фаолият бўйича харажатлар" сўтетларининг аналитик ҳисобини текшириш тартибини қандай амалга оширилади?

**Аудитнинг мақсади.** Ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулотларни сотишни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилишини текшириш.

### **Аудитнинг асосий вазифалари:**

1. Маҳсулот таннархига кўшиладиган харажатларни тўғри аниқлаш ва ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилишини текшириш.
2. Харажатларни элементлари бўйича шаклланишини текшириш.
3. Маҳсулотлар таннархини тўғри аниқлашни текшириш.
4. Маҳсулот турларига ва тугалланмаган ишлаб чиқаришга харажатларни тақсимланишини текшириш.

**1-масала.** 9400-«Давр харажатлари» ва 5110-«Ҳисоб-китоб» счётларнинг дебети бўйича бухгалтерия проводкаларида акс эттирилган харажатларни ва ҳисоб-китоб счёти бўйича ёзувларни қарама-қарши усулда текшириш пайтида, аудитортомонидан шу нарса аниқландики, жорий йилда корхона автомобил сотиб олган. Автомобилнинг баҳоси 4500 минг сўм ва ҚҚС эса 900 минг сўмни ташкил қилган. Автомобилни киримга олишда 4500 минг сўм баланс баҳоси деб белгиланган 900 минг ҚҚС суммасини 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётига олиб борган.

**Талаб қилинади:** Юқоридаги ҳолат бўйича бухгалтерия проводкаларига баҳо беринг, зарур бўлса керакли тўғрилашларни амалга оширинг?

**2-масала.** Харажатлар ҳисоби бўйича ёзувларни текшириш пайтида аудитор маҳсулотнинг таннархига куйидаги хизматлар тўлови киритилганлигини аниқлади.

Проводка Д-т 9430 К-т 6010 ташкилот мулки ҳисобланган хонага янги телефон линияси қрнатиш учун алоқа бўлимига - 18500;

Ёнғиндан сақлаш сигнализацияси ўрнатганлик учун ўт ўчириш ташкилотига 11000 сўм;

Локал компьютер сети ўтказиш ташкилотига - 56000 сўм.

**Талаб қилинади:** Юқоридаги ҳолат бўйича бухгалтерия проводкаларига баҳо беринг, зарур бўлса керакли тўғрилашларни амалга оширинг?

**3-масала.** Ички аудиторни тайёрлаш учун ташкилот унинг махсус аудиторлик курсида ўқиш учун ва аудиторлик курслари ва аудиторлар аттестати олиш билан боғлиқ харажатларни тўлади. Бу операция ҳисобда куйидагича акс эттирилган.

Д-т 9430 К-т 5110 - 400000 сўм

**Талаб қилинади:** Юқоридаги ҳолат бўйича бухгалтерия проводкаларига баҳо беринг, зарур бўлса керакли тўғрилашларни амалга оширинг?

**4-масала** “ALSCOM” компаниясида 2008 йил бўйича куйидаги молиявий натижа аниқланган. Компаниянинг солиққа тортилгунга қадар фойдаси 2500 000\$ ни ташкил этган. Бухгалтерия ҳисоботи бўйича ҳисобланган амартизация миқдори 100 000\$ ,солиқ ҳисоботи бўйича

ҳисобланган амартизация миқдори эса 120 000\$ ни ташкил этади .  
Компания банк кредитидан фойдаланганлиги учун ,банкка 50 000\$  
миқдорида фоиз тўловларини тўлаган . Марказий банк томонидан  
ўрнатилган фоиз ставкаси бўйича фоиз харажатлари 40 000\$ ни ташкил  
этади Солиқ ставкаси 10% Компания 2008 йил учун бюджетга 25 000\$  
даромад солиғи тўлаган .

Топшириқ: Ушбу муомлаларни текширинг ва аудиторлик  
далолатномасини тузинг .

### **Аудитор ҳисоботи ва хулосаси**

**Қуйидаги атамаларга изох беринг:** Молиявий ҳисобот, уларнинг  
турлари ва тўлдирилиши олдига қўйилган талаблар, бухгалтерия баланси,  
молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, асосий воситалар ҳаракати  
тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари  
тўғрисидаги ҳисобот, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги  
маълумотнома, ҳисоботга тушунтириш хати.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Молиявий ҳисоботни аудит қилишда фойдаланиладиган асосий меъёрий  
ҳужжатларни келтиринг?
2. Молиявий ҳисоботни аудит қилишда қандай маълумотлар манбаа  
сифатида фойдаланилади?
3. Молиявий ҳисоботни аудит қилиш қандай ташкил этилади?
4. Молиявий ҳисобот моддаларига нисбатан жиддийлик даражаси қандай  
белгиланади?
5. Молиявий ҳисобот шаклларидаги маълумотлар қандай ва қайси ҳужжат  
маълумотларига таққосланади?
6. Молиявий ҳисоботни текширишда аудитнинг қабул қилинган рискининг  
юқори ва қуйи чегараси қанча бўлиши талаб этилади, бу қандай  
белгиланади ва ким томонидан?
7. Молиявий ҳисобот таркиби:
  - 1) «Бухгалтерия баланси» 1-шакли
  - 2) «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот 2-шакли
  - 3) «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида»ги ҳисобот 3-шакли
  - 4) «Пул оқимлари тўғрисида»ги ҳисобот 4-шакли
  - 5) «Хусусий капитал» тўғрисидаги ҳисобот 5-шакллари  
қандай аудит қилинади?
8. Молиявий ҳисоботни тузиш тамойилларига мувофиқлиги қандай  
текширилади?
9. Бухгалтерия балансининг ҳаққонийлиги қандай текширилади?
10. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ва бошқа шаклларини  
тўғрилигини текширишда нималарга эътибор бериш лозим?
11. Молиявий ҳисоботнинг аудити натижалари қандай, кимга ва қачон  
ошкор қилинади. Бунда қандай ахлоқ кодекси тамойилларига амал  
қилинади?

12. Ҳисобот шакллари тўғри тузилганлигини ва ишонлилигини текширишда қандай аудиторлик процедуралардан фойдаланилади?
13. Корхонанинг тўловга қобилиятлилиқ даражасини текшириш қандай амалга оширилади?
14. Корхонанинг молиявий барқарорлик даражасини текшириш қандай амалга оширилади?

**1-масала.** Аудиторлик ҳисоботини имзолашдан олдин, аудитор шунини аниқладики, мижознинг филиалларидан бирига кучли шамол туфайли катта зикн етказилган. Бу ҳодиса молиявий ҳисоб санасидан кейин рўй берган. Зарар суғурта компанияси томонидан қопланмайди.

**Талаб қилинади:** Бу ҳодиса компаниянинг молиявий ҳисоботига таъсир кўрсатадими? Агар шундай бўлса бухгалтерия ҳисобида нима ўзгаради?

**2-масала.** Аудит ўтказиш даврида кейинги йилнинг бошида шартнома тузилган бўлиб, унга кўра сизнинг мижозингиз товар-моддий бойликлар сотади ва ҳисобот йилидагига нисбатан 10 марта кўпроқ даромад олишини аниқладингиз.

**Талаб қилинади:** Бу хўжалик муомаласи текшириладиган йил ҳисоботига ва аудитор хулосасига қандай таъсир қилади?

**3-масала.** Асосий воситаларни танлов асосида инвентаризация қилишда дастлабки нархи 800000 сўм, амортизацияси 300000 сўмлик объект етишмаслиги аниқланди.

Ҳисобот йилининг декабр ойида бу объект шартномага кўра унинг нархи 1560000 сўм инвентаризация ўтказиш пайтида аудиторга шартнома ва қабул қилиш-топшириш акти тақдим этилган. Харидор билан ҳисоб китоблар амалга оширилган. Бу хўжалик муомаласи ҳисобот йилининг 31 декабрига бўлган ҳолати бўйича бухгалтерия ҳисоби сўтларида акс эттирилмаган.

**Талаб қилинади:** Хўжалик муомаласига аудитор нуқтаи назаридан баҳо беринг, бу корхона молиявий ҳисоботи ва аудитор хулосасига қандай таъсир қилади?

**4-масала.** Dorman Home Builders компанияси бош бухгалтери касаллиги туфайли, тугаётган ҳисобот даври учун малакаси юқори бўлмаган бухгалтер ёрдамчиси компаниянинг бухгалтерия балансини тузди. Тузилган балансда бир қатор хатоликлар мавжуд. Ёрдамчи бухгалтер қисман баланс тўғрисида тушунчага эга эканлиги ва унинг барча муомалаларнинг натижаларини кўшилиши, яъни йиғиш орқали тузилишини билганлиги боис компания балансини тузди. Лекин натижалар баланс (тенглик)ни келтириб чиқармади ва тенгликни келтириб чиқариш учун у хусусий капитал

суммасига коррективка киритиш орқали балансни чиқарди. Баланс моддалари суммалари тўғри акс этирилган, аммо хусусий капитал суммасида хатолик мавжуд.

Dorman Home Builders компаниясининг  
2009 йил 1 январ ҳолатига  
Бухгалтерия баланси

Актив	Сумма	Мажбуриятлар	Сумма
Касса	\$ 2,000	Олинадиган счётлар	\$3000
Канцелярия товарлари	1,000	Хизмат кўрсатишдан олинган даромад	35,000
Ер	22,000	Мулк солиғи бўйича харажатлар	800
Реклама харажатлари	500	Тўланадиган счётлар	8,000
Офис мебели	10,000	Хусусий капитал	
Тўланадиган вексель	16,000		
Ижара харажатлари	4,000	Жами хусусий капитал	8,700
Жами активлар	\$ 55,500	Жами мажбуриятлар ва хусусий капитал	\$55,500

**Топширик:** 1. 2008 йил 1 январ ҳолатига тўғри бухгалтерия балансини тузинг. Активлар ва мажбуриятлар суммасини ҳисобланг. Сўнгра хусусий капиталнинг тўғри суммасини чиқариш учун фарқларни аниқланг.

2. Юқорида келтирилган моддаларнинг айримлари нима учун бухгалтерия балансида акс этирилмаслиги кераклигини изоҳланг.

**5-масала.** Аудиторлик ҳисоботини имзолашдан олдин, аудитор шуни аниқладики, мижознинг филиалларидан бирига кучли шамол туфайли катта зикн етказилган. Бу ходиса молиявий ҳисоб санасидан кейин рқй берган. Зарар суғурта компанияси томонидан қопланмайди.

**Топширик:** Бу ходиса компаниянинг молиявий ҳисоботида таъсир кўрсатадими? Агар шундай бўлса бухгалтерия ҳисобида нима ўзгаради?

**6-масала.** Аудит ўтказиш даврида кейинги йилнинг бошида шартнома тузилган бўлиб, унга кўра сизнинг мижозингиз товар-моддий бойликлар сотади ва ҳисобот йилидагига нисбатан 10 марта кўпроқ даромад олишни аниқладингиз.

**Топширик:** Бу ҳўжалик муомаласи текширилаётган йил ҳисоботида ва аудитор хулосасига қандай таъсир қилади?

**7-масала.** Асосий воситаларни танлов асосида инвентаризация қилишда дастлабки нархи 800000 сўм, амортизацияси 300000 сўмлик объект етишмаслиги аниқланди.

Ҳисобот йилининг декабр ойида бу объект шартномага кқра унинг нархи 1560000 сўм инвентаризация ўтказиш пайтида аудиторга шартнома



ва кабул топшириш акти тақдим этилган. харидор билан ҳисоб китоблар амалга оширилган.

**Топшириқ:** Бу хўжалик муомаласи ҳисобот йилининг 31 декабрига бўлган ҳолати бўйича бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилмаган.

### **Аудиторлик маслаҳати**

#### **Топшириқ.**

Хўжалик объектининг қизиқтирган саволларига маслаҳат бериш. Маслаҳат беришни ёзма равишда расмийлаштириш лозим. Жавоблар аниқ, қисқа ва меъерий ҳужжатлардан мисоллар келтириб ёзилиши керак.

#### **Маслаҳат учун саволлар.**

1. Жорий ҳисобот даврига тегишли, ҳисобот тузилганга қадар аниқланган хатоларни бухгалтерия ҳисоботида қандай акс эттирилади?
2. Жорий ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллардаги хатолар ҳисобда қандай акс эттирилади?
3. Корхона турли фаолият билан шуғулланадиган бўлса фойда солиғи базаси қандай аниқланади?
4. Транспорт воситасига 100% эскириш ҳисобланган бўлиб шартнома баҳосида 184000 сўмга сотиб олинган. Бу транспорт воситасига амортизация ҳисоблаш керакми? Транспорт воситасини асосий воситалар таркибига қўшилганда қандай бухгалтерия проводкалари берилади?
5. Корхона телефон ўрнатиш ва унинг хизмати, коммутатор хизмати, ўт ўчириш системаси, сигнализация мосламалари харажатлари қандай харажатлар таркибида ҳисобга олинади?
6. Йилнинг натижаси бўйича ўтказиладиган мажбурий аудиторлик хизмати учун тўлов сарфлари қайси харажатлар таркибида ҳисобга олинади ва солиққа тортиш базасига қўшиладими?
7. Темир йўл чиптасида темир йўл таърифи ва суғурта суммаси кўрсатилган ҚҚС суммасини қандай ажратиш мумкин. Темир йўл чиптасининг жами суммасиданми ёки темир йўл таърифи суммасиданми?
8. Шўъба корхона алоҳида баланс ва ҳисоб-китоб счётига эга. Низом талабларига кўра ўзининг тушумини бош корхонага пул кўчириш орқали ўтказиб бериш керак. Бош корхонага нақд пулда белгиланган лимитда ортиқча тўлаш ҳуқуқига эгами?
9. Хўжалик шартномаси шартларини бажармаганлик учун жарима суммалари қайси маблағлар ҳисобидан қопланади?
10. Устав капиталидаги хорижий таъсисчиларнинг улушини баҳолаш таркиби қандай амалга оширилади?
11. Кичик корхоналарида ягона солиқ тўлаш критериялари қандай тартибда амалга оширилади?
12. Шўъба корхона ва қарам корхоналарни тузишда қайси меъерий ҳужжатларга асосланади?

13. Сафар хизмати харажатларини ҳисобдан чиқариш тартиби қандай амалга оширилади?
14. Хорижий мамлакатлар бўйича сафар хизматларини ҳисоблаш ва ҳисобдан чиқариш хусусияти қандай амалга оширилади?
15. Вакиллик харажатлари меъёрлари ва уларни ҳисобдан чиқариш қандай амалга оширилади?
16. Реклама харажатлари меъёрлари ва ҳисобдан чиқариш тартиби қандай амалга оширилади?
17. Кадрлар тайёрлаш харажатлари қандай ҳисобдан чиқарилади?
18. Асосий ишлаб чиқаришдаги ишчилар учун берилган моддий ёрдам пуллари маҳсулот таннархига киритиладими?
19. Кредит фоизи суммалари маҳсулот таннархига киритиладими?
20. Корхона инвестиция учун қилинган сарф харажатлар, жумладан сотиб олинган асосий воситалар қайси қийматда (бошланғич ёки қолдиқ) солиқ солиш базасидан имтиёз сифатида чегириб ташланади?
21. Асосий воситалар бошқа ташкилотларга сотилганда қандай тартибда ва қайси қийматидан ҚҚС тўланади?
22. Текинга олинган асосий воситаларга эскириш ҳисобланадими?

## **ИНДИВИДУАЛ ТОПШИРИҚЛАР**

### **Топширик.**

Ёзма равишда жавоб бериш керак.

#### **I. Ҳисобот шакллари бўйича.**

Қандай ҳужжатлар асосида ҳисобот тузилади?

2. Молия-ҳўжалик фаолиятининг қандай кўрсаткичлари ҳисоботда акс эттирилади?
3. Аудитор ҳисоботдан қандай кўрсаткичларни олиш мумкин?
4. Аудитор ҳисоботни текширишда аудитнинг қандай усулларидан фойдаланилади?
5. Ҳисоботни текширишда қандай камчиликлар қонунга хилоф бўлган ҳолатлар аниқланиши мумкин?

#### **II. Синтетик ҳисоб регистлари бўйича.**

1. Синтетик ҳисоб регистрлар қайси ҳужжатлар асосида тузилади?
2. Ҳисоб регистрларидаги бухгалтерия ёзувлари нимани билдиради (ҳўжалик муомалаларининг мазмунини аниқлаш)?
3. Аудитор ҳисоб регистрларидан қандай маълумотлар олиши мумкин?
4. Ҳисоб регистрлари қайси усуллар билан текширилади?
5. Текшириш натижасида қандай хато-камчиликлар аниқланиши мумкин?

#### **III. Дастлабки ҳужжатлар бўйича.**

1. Қандай ҳолларда ва ким томонидан ушбу ҳужжат тузилади? Ҳужжатдаги қайд этилган ҳўжалик муомалаларини мазмунини таърифланг.

2. Ушбу ҳужжатни текширишда қандай усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади?

3. Аудитор ушбу ҳужжатларни текширишда қандай меъёрий актларга асосланади?

4. Қандай хато-камчиликлар аниқланиши мумкин? (хато-камчиликларнинг характери ва суммаси).

**Бакалавриат йўналишлари талабалари учун «Аудит» фанидан масалалар тўплами. Файзиев Ш.Н., Авлоқулов А.З., Астанакулов О. -Т.: ТМИ, 2012. 86 бет.**

**Мухаррир:**

**Босишга рухсат этилди:**

**Адади:**

**Шартли босма табағи:**

**Буюртма № \_\_\_\_\_**

**Тошкент Молия институти босмахонасида «RISO» нусха кўпайтириш қурилмасида чоп этилди.**

**700084, Тошкент шаҳри, Х.Асомов кўчаси, 7-уй.**